



Alisher Navoiy nomidagi
Samarqand davlat
universiteti

РАҲМОНҚУЛ
ОРЗИБЕКОВ

ШЕҶРИЙ САНЪАТЛАР
ТАҲЛИЛИ

OOUV OO'LLAMA

САМАРҚАНД-2000



Alisher Navoiy nomidagi
Samarqand davlat
universiteti

РАХМОНҚУЛ
ОРЗИБЕКОВ

ШЕРІЙ САНЬАТЛАР
ТАХЛИЛИ

ООУВ ҚОЛЛАМА

САМАРҚАНД-2000

Б. ц., 1000 экз.

I. Соавт. — — I. Остеосинтез.

№ 16987
61 № 948 [92-21211] п
НПО ВКП 24.07.92 Б24

УДК 616.71-089.84

ЕКЛ 41.8.5

У-134

У-696

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ САМАРКАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲМОНҚУЛ ОРЗИБЕКОВ

ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР
ТАҲЛИЛИ

САМАРКАНД - 2000

891.409

0-64

Р. ОРЗИБЕКОВ. Шеърий санъатлар таҳлили. Йхтисос курси учун ўқув кўлланма. Самарқанд, СамДУ нашри, 2000 йил, 82 бет.

Ўзбек мумтоз шеъриятида хилма-хил бадий-тасвирий воситалар, гўзал бадий санъатлар тараққий этиб келган. Улар ҳақида қатор шеършунос олимлар рисолалар, илмий ва илмий-омжабон мақолалар яратганлар. Бироқ ўзбек мумтоз лирик шеъриятида эстетик гўзалик ҳамда поэтик жозибани юзага келтиришга хизмат қилувчи шеърий санъатлар етарли баражада таёник этилган деб бўлмайди. Ўқув кўлланма адабиётшуносликда кам ўрганилган ана шу зарур ва долзарб мавзуни ёритишга қаратилгандир. Асар адабиёт тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларга, Олий ва Ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқитувчиларига, аспирант ва толиби илмларга мўлжалланган.

МАСЪУЛ МУХАРРИР:


филология фанлари доктори М.Мухиддинов

ТАКРИЗЧИЛАР:

филология фанлари доктори С.А.Каримов

филология фанлари номзоди А.Абдураҳмонов

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети – 2000



МУНДАРИЖА

Шеър санъатлари жилоси	4
«Ширу - шакар» ҳамда муламмаълар	12
Тазмин санъати	26
Истихроj (китобат) санъати	36
Мусажжасанъати	48
Тажнис санъати	54
Талмиҳ санъати	68
Адабиётлар	81

«ШЕЪР САНЪАТЛАРИ ЖИЛОСИ» (муқаддима ўрнида)

Минг йилдан ортик тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизда бадиийлик, гўзаллик масаласи шеърият ахлининг доимо диккат марказида бўлиб келган. Чунки адабий асар бу бадиий асардир. Бунда ижодкорнинг у ёки бу воқеа-ходисани тасвирлашдаги поэтик маҳорати намоён бўлган. Бу бадиий асарнинг поэтикаси орқали очилар эди.

Поэтика (юононча poietike сўзидан) – бадиий адабиёт хақидаги илмидир. У бирон бир ёзувчи ва шоир услубининг ўзига хос хусусиятларини, бадиий-поэтик воситалари йифидисини ҳам англатади, шеърият, шеър тузилишининг хусусиятлари маъносида ҳам қўлланилади. Қадимги юонон олими Аристотель ўзининг адабиёт коидалари назариясига доир асарини бежиз «Поэтика» деб атамаган. Қадимги юонон адабиётида поэтика деганда умуман бадиий адабиёт хақидаги илм тушунилган. Поэтиканинг ўргатишича, шеър – ўлчовли, қофияли ва образли нутқдир. Шеърият – инсон руҳий оламининг, ички дунёсининг маълум тартибга солинган эмоционал ва руҳий ифодасидир. Шеърий асар ритм, бўғин (хижо), турок (руқн ёки стопа), қофия, банд (строфа), шеър системалари (аруз ва бармок), интонация, пауза, урғу, поэтик усуулар ва бошқаларнинг уюшувидан юзага келади.

Ўрта асрлар шарқ адабиётида поэтикага оид муҳим кайдлар Унсур ул-маоли Кайковуснинг (1020–1099) «Насиҳатнома» ёки «Кобуснома» номи билан машҳур бўлган асарида, Рашиди Ватвотнинг «Хадоиқ ус-сехр», Умар Родуёнийнинг «Таржимон ул балоға», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола» (II-боби – «Шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг салоҳияти ҳақида»), Кайс Розийнинг «Ал –мўъжам...» Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул балоға», Атоулло Ҳусайнининг «Бадойиусъ санойиъ», Ҳусан Воиз Кошифий «Бадоеъ ул афкор» каби асарларида келтирилади.

Жумладан Рашиди Ватвот «Маклуби муставий» санъатини «Маклуби муставий насрда мураккаб иборани, шеърда эса бир мисра ёки байтни ҳам ўнг, ҳам чапдан

ўқилиши мумкин килип аспар бошларида Самарканда яшаб, шарҳлаганилигини кўрамай Шайх Ахмад Тарозийдир. «Фунун фанлари») 1436–1437 йилларда

Айникса Кайик фанлари)» 1436–1437 йилларда ёзилган асарида агуниинг асл кўлёзмалар фоидида сакланмоқда. кимматли ўнос олим Абдуқодир Хайитметов билан тиљшунос адабиёт Эргаш Умаровлар топилмаси бўлган бу асарнинг тажрибусахаси асосида шарҳ ва изоҳли нашри тайёрланган. тўлдири муаллифи Шайх Ахмад Тарозий хакида Бобурнинг тўлдири «Аруз рисоласи»да баъзи кайдлар, унинг шеърларидан эса иккита мисол келтирганилиги итгари ҳам маълум эди. Бирок Бобур унинг поэтикага оид катта комусий аспар ёзганлиги хакида маълумот келтирмаганди.

Шайх Ахмад ўз асарида буюк олим, илм-маданият хомийси Мирзо Улуғбекка хос фазилатларни бирма-бир санаб ўтган, унинг таърифига касида ҳам битган. Муаллиф шеъриятнинг ўнта тури (навъи) борлигини қайд этади: касида, ғазал, китъа, рубойй, маснавий, таржет, мусаммат, мустазод, мутавват, фардтарнинг мазмун ва шакл белгиларига таърифлар беради. Уларнинг луғавий ва истилохий маънолари тушунтирилади. Шундай сўнг у шу шеър навъиларининг мазмунни ва услубига караб яна бир неча хилларга бўлинishi хакида ҳам изоҳлар келтирилади: «...ва бу ўн навъ шеърким зикр килдук. ҳар койсида ... Тангри азза ва жатлага (худога олкиш, сано антиш – Р.О.) ҳамд этсалар они тавхид дерлар; Ва агар Мухаммад Мұстағфо алайхиссалом вассалтами: васф кілсалар наф дерлар; Агар Тангри ҳазратинда тазаррӯ кілсалар муножот (Оллохга нола, илтижо – Р.О.) ўкурлар; Ва хулофойи Рошидинни (Чаҳорёллар, халифалар, Мухаммад Пайғамбарнинг хулофотдаги давомчилари – Абу Бакр Сиддик, Үсмон, Умар ва Ҳазрати Али – Р.О.) манокиб, манкабат дерлар. Агар салотин ё умаро ва вузарони ўқсалар ус-адх ва мидҳат ва тамаддук ўкурлар; Ва агар ўлган кишини асарни кілсалар марсия дерлар; Агар кимарсани нафрин тарихи мурҳ ҳажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазил кілсалар кўлёзмалар ғдерлар»!

Атоуллоҳнинг ша-
«Мажолис ун-нафои» ёбнётшунослигимизнинг гўзал ибтидоси: Адабий
Атоулло Нишопурдинду, Т., Ўқитувчи, 1997, 11-бет
келди... Бовужуди дониш. | 7

Шуни қайд килиш лозимки, «Фунун ул-балога» Навоийгача эски ўзбек тилида яратилган ва поэтикага бағышланган илк қомусий асар бўлиб, унинг ёрдамида энди биз кўп кам ечилган илмий-назарий масалаларни ҳал килишимиз мумкин.

Шуни ҳам уқтириш лозимки, Шайх Аҳмад Тарозийгача ўрта асрлар шарқ шеърниги тарихи билан шуғулланган ва китоб битган олимлар, одатда унинг бир соҳасини танлаб олиб шу соҳага оид алабий материал ва шархлар келтириш билан чегараландилар. Масалан, Насрiddин Тусий (1201–1274) «Меъёр ул-ашъор» асарида асосан аruz билан боғлик вазн масалаларинигина тахлил этган бўлса, Рашиди Ватвот (ХII аср) «Хадойик ус-сехр» асарида шеърий санъатлар талкини билан кифояланган, ва х. Шайх Аҳмад эса илк бор туркий тилдаги назмининг хамма назарий масалаларини камраб олишни максад килиб олади. Беш кисмдан иборат бу асарнинг биринчи кисмини шеър турлари ва жанрлари масалаларига бағишлайди. Иккинчи кисмда қофия ва радиф, учинчи кисмда сўз ва баднийлик хамда шеърий санъатлар тўғрисида, тўртинчи кисмда аruz баҳрлари ва вазнлари, бешинчи кисмда эса муаммо шеър яратиш ва ечиш усуллари ҳакида фикр юритади. Шайх Аҳмад асаридан сўнг анъана сифатида Алишер Навоийнинг адабиётшуносликка оид туркий тилдаги тазкира ва асрлари, Бобурнинг «Аruz рисоласи» майдонига келди. Бу анъана XVI–XX асрлар давомида янада давом эттирилди. Луғатга бағишланган асарларда (масалан, Шайх Исмоил Бухорийнинг «Луғати Чигатойи турки Усмоний», Мухаммади Хоккорнинг «Мунтахаб ул-луғот», Фазлий ва Аҳмад Табиийлар тузган тазкира ва мажмуаларда ҳам бадиий санъатларга, поэтикага оид кайдлар, материаллар келтирилди.¹

Шеърият поэтикаси билан ҳозирги замон ўзбек олимлари ҳам шуғулланишиб, катор рисолалар, кўлланмалар яратдилар. Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Иззат Султон, Олим Шарафиддинов, Содик Мирзаев, Воҳид Абдуллаев, Садриддин Айнийлар

¹ Поэтика ва унга оид манбалар таҳдили. Б.Валихўжаевнинг «Ўзбек адабиётшунослиги тарихи» (1993) асарида атрофлича берилган.

тому^{нидан} 20–50 йиллар оралигига яратилган асарларда ўзбек шеърияти поэтикасига оид муҳим фикрлар келтирилди. Айниқса, 50–йиллардан бошлаб майдонга келган докторлик ва номзодлик диссертацияларида, монография, дарслик ва кўлланмаларда унинг айрим масалари ишланди, у ёки бу шоир асарлари поэтикасига оид алоҳида монографиялар, кўлланмалар ҳам яратилиди. Бу жиҳатдан М.Шайхзоданинг «Ғазал мулкининг Султони», Ё.Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси» номидаги ҳамда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1971–1972 йил сонларида поэтикага оид эълон килган туркум маколалари, Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати», В.Рахмоновнинг «Шеър санъатлари», Т.Бобоевнинг «Шеър илми таълими», Ботирхон Акрамнинг «Фасоҳат мулкининг соҳибқирони», Сайфиддин Рафиддиновнинг «Мажоз ва ҳакиқат», Нусратулло Жумахўжаевнинг «Мунис ғазалиёти», «Турди назми бадиияти», Анвар Ҳожиаҳмедовнинг «Шеърий санъатлар ва мумтоз кофия», ушбу сатрлар муаллифининг «Ўзбек классик лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат», «Ўзбек шеърияти сирли–синкетик жанрлар», «Ўзбек шеърияти жанрлари ва поэтикаси» (I–II китоблар) муҳим илмий–амалий аҳамиятга эгалид. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг мумтоз ҳамида замонавий адабиёт тарихи билан шуғулланиб келган ва келаёт қарийб барча ҳанникли вакилларининг Су муаммога багишланган илмий маколалари, ихчам рисолалари бор. Бу муаммога эътибор кучайиб бораётганинг боиси шундаки, биз то 60–70–йилларга¹ бадиий обида ва асарларнинг кўпроқ мундарижасини, гоявий дунёсини ўрганишга эътибор бердик, уларнинг бадиий–эстетик жиҳатлари, ижодкорларнинг маҳорати, шеърий асарларнинг мўъжизакор сир–асрорлари етарли даражада очилмади, уларнинг кўп жиҳатлари сирлигича қолиб кетди. Бундай бўшлиқни тўлдиришига бўлган саъй–ҳаракатлар йилдан йилга кучайиб бормоқда. Чунки у ёки бу шоир ижодига, у ёки бу бадиий асарга баҳо берилар экан ижодкор ифодалаётган ғоя ўз аксини топган ижтимоий–сиёсий,

¹ Юқорида номлари келтирилган илмий манбалар ва бошка поэтикага оид асар ҳамда маколалар ушбу китобнинг охирида келтирилгандир.

фалсафий–ахлокий, маърифий–тарбиявий муаммолар мөнхияти ва қўлами, бадиий тимсоллар жилоси билан бир вактла кўлланган шеърий санъатларининг ранг баранглиги, мантикий асосланиши, асар мазмунини очишдаги ўрни ва ахамияти каби масалаларга ҳам алоҳида диккат килинган¹. Биз шу жихатларни чукуррок ўрганишимиз керак.

Мумтоз ўзбек арабиётидаги кўп сонли шеърий санъатларни маънавий ва лафзий санъатларга ажратиш анъана бўлиб келган. Маънавий санъатлар асардаги гоёяларни ёркин ифодалаш, қаҳрамонларни аникрок ва таъсирироқ қилиб бериш, уларнинг маънавий киёфаларини, хис–туйғуларини жозибали акс эттириш кабилаларга хизмат килган бўлса, лафзий санъатлар асарнинг бадиий нутк, тил жихатидан жозибадорлигини, оҳангдорлигини таъминлашда мухим рол ўйнаган. XV асрда яшаб ижод этган бадиийшунос олим ва шоир Атоуллоҳ Ҳусайнин ўзининг «Бадойи усь саюйиъ» (форсадан ўзбекчага академик Алибек Рустамов таржима килган) ўз даври шеърияти материаллари асосида икки юздан ортик шеърий санъатлар яшаб келганини кайд этади. Унинг кўрсатишича, маънавий ҳамда лафзий санъатларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, ўзига хос имконият қўлами мавжуд бўлган. Шоирлар бу санъатлардан ўз асарнинг мазмун талабига кўра фойдаланганлар. Поэтик имкониятлар – аруз вазнлари, коғиялар ранг–баранглиги ва бошқа поэтик омиллар билан бирга шеърий санъат ва бадиий–тасвирий воситалар биргаликда яратилаётган асар мазмунининг ёркин ҳамда ўқимишли чиқишига хизмат этган.

Шу жихатни эслатиб ўтиш лозимки, хозиргача шеърий санъатлар тарихи ва таърифларига бағишиланган асарларнинг кариёб ҳаммаси арабиётшунослик истилоҳларининг изоҳли–шархий лугатларига ўхшаб кетади. У ёки бу ижодкор асарларининг поэтик таҳлилига оид далилларни мустасно килганда, бадиий санъат турлари ранг–баранг адабий фактлар мисолида чукуррок таҳлил этилган эмас. Одатдабирор бадиий санъатнинг асосий

¹ А.Хожиахмедов. Шеърий санъатлар ва мумтоз кофия. – Т.: «Шарқ», 1998, 4-бет

хусусиятлари келтирилгалида шунга доир турли шоирлардан олинган байтларнинг тағири, шархи баён этилади. Шуни хисобга олган холла ушбу рисолада ўзбек шеъриятида кўп шоирлар мурожаат килиб келган катор балий санъатларнинг хусусиятларини кенгроқ ёритишга харакат килинди.

«ШИРУ-ШАКАР» ХАМДА МУЛАММА'ЛАР

Мислумки, каним замонлардан бошлаб ўзбек халки күнини халқлар билан якин иктисадий ва маъданий алоқада булиб келган. Бу якинлик шу халқлар балий адабиётлари, мусики санъати, жумгадан зуллисонайнилк, сэллисонайнилк ишлантирила хам ўз ифодасини топган.

Она тилидан ташқари бошка халқнинг тилини хам бигиб оғиз фазлу камол эгаси шу халқ томонидан бунёдга кетпирилган маъданий-адабий бойликлардан баҳраманд будиш, чукуррок танишиш имкониятига эга бўлади.

Шу маънода биз кўпигина машхур ўзбек шоирларининг форс-тожик тилида ёки форс-тожик, шоирларининг ўзбек тилида яратган шеърларига назар ташасак, унор ўзининг саломги, гоявий-бадний киммати жихатидан бирин иккинчисидан сира колишимайди. Мана шу сабабли сўнгти йилларда майдонга келган адабиётшунослик ва тишлиносликка оид тадқикотларда масаланинг шу томонга хам айрича эътибор берилмокда. Зотан, икки тиљда кини завқини кондира оладиган шеърлар ёзиб, икки, уч халқ адабиёти, маъданияти хазинасини бойитишида иштирок этган шоирларининг хар икки, уч тиљдаги шеърларини параллел холла чукур текширмай туриб, шу санъаткор ижодига хос бўлган гоявий йўналиш, поэтик мазмун ҳамда баднийлк масалаларини кенгроқ ва тўлароқ тасаввур килиш мумкин эмас. Шунинг учун икки тиљда шеърлар ёзган ижодкорлар хизматини баҳолаш критерияси устида алоҳида тўхталиб, машхур олим Е.Э.Бертельс кунидагиларни уқтириб ўтган эди: «XV асрдан бошлаб адабиётнинг ўзбек тилида ривожланиши форс ва тожик тилида мавжуд бўлган азабиётлар шу вактдан бошлаб факат Ўрта Осиёда яшовчи тожик аҳолисининг мулки бўлиб колмай, у ўзбек халқига мансуб эканлигини хам кўрсатади. Форс-тожик тили хамон ўзбекларнинг иккинчи тили бўлиб колаверади. XIX асрдаги Ўрта Осиё адабиётини ўрганишда бу холни хисобга олиш ва ўзбек, тожик адабиёти тарихини ёзишида хар икки адабиётнинг бир-биридан ажралиб

колмаслигі учун ҳар иккиси устида баровар иш олиб боришига түғри келати»¹.

Икки тишли ёки уч тишли шоиrlар озарбайжон, туркман, арман, грузин, форс, араб адабиётларида хам мавжуд бўлган. Лекин бу алохида бир адабий ҳодиса сифатида хеч бир адабиётда ўзбек адабиётидагидек кенг тарқалган эмас. Буниңг асосий сабаби, бизнингча, ўзбек ва тожик хаткларининг энг қадимги даврлардан бери бир территорияда бір хил тарихий шароитни бошдан кечириб, кўшилиб-чатишиб яшаб келишларида, узок асрлар давомида ўзаро яқин иктисадий ва маъданий алокада бўлиб келишларида, урғ-одат ва анъаналарнинг, этник хусусиятларнинг бирлигидадир. Бу икки ҳалкнинг қадимиий метин дўстликнин улуғ форс-тожик шоири Абдурахмон Жомийнинг мана бу мисралари янада ёркинрок ифодатайди:

...К-ин писар мешавад нурс фарзанд?

Ё на шогирди туству хешованд?

Гуфт: у туркасту ман точик,

Лек дорем хешин назоик.

(Бу ўғил сенга фарзанд бўладими ёки шогирду қариндошингми? Айтди: У турку, мен тожикдурмен, лекин яқин қариндошлигимиз бор).

Бу якинлик айникса XV-XIX аср даромади савдо-сотиқнинг, хунармандчиликнинг ривожланыши оқибатида Ўрта Осиёдаги кўпчилик шаҳарлар ахолисининг икки тишли бўлиб бориши билан таңа мустахкамланди. Бу фикрни яна шу билан тасдиқлаш мумкинки. IX-XIII асрларда Ўрта Осиёда араб-форс ва араб-турк шаклидаги икки тишлилик хамда араб, форс-турк шаклидаги уч тишлилик мавжуд эди. Адабиётшунос олим, мархум Ҳ.Хомидийнинг ишончли манбалар орқали аниқлашига кўра, XIII асрда ўтган шоир Ҳусомиддин Ҳомид бин Осим уч тиlda асарлар ёзган. Унинг арабчаси фасоҳатлик, форсчаси маъҳатлик, туркчаси сахих бўлган, XIII-XIV асрларда ўтган шоирлардан Пурбаҳойи Жомий ҳам ўзбекча, тожикча ва мўғулча мисралардан иборат қасида ёзган.

¹ Е.Э.Бертельс. Персидская литература Средней Азии, «Советское востоковедение», том V, Т.-Л. 1948, стр.227.

Мухаммал ас—Самаркандий эса араб, форс, туркий ва мўғул тиллари элементларини пайвандлаб муламмаъ яратган.¹ Бирок араб тилининг маданий хаётдаги мавқеи камайиб бориши билан бу хилдаги икки тилинилк хам ўз—ўзидан йўкола борди. Тўгрию ҳатто XX асрдагача хам араб тилида ижод этган ўзбек, озарбайжон, форс, тоҷик шоирлари бўлганлар. Биз Шайх Саъдий, Хоғиз Шеърозий, Имомиддин Насими, Навоий ғазаллари орасида матланинг биринчи мисраси арабча тузишган ёки мутаммаъ усулида битилган, намуналар борлигини биламиз. Жумладан, «Имомиддин Насими» рисоласининг муаллифи Ҳ.Арасли бу шоир хакиша ёзди: Насими Якин ва Ўрта Шарқда кенг ёнилган уч тилда: араб, форс ва озарбайжон тилида ижод килган улкан шоирдир... Унинг бу тилларда девонлари бор... Насими бу уч тилда чирошли муламмаълар хам ёзган эди. Бу муламмаъларнинг баъзилари биринчи байти арабча, иккинчи байти фореча, учинчisi эса озарбайжон тилида ёзиган. Асар охиригача шуттадай давом этади. У араб тилида баён қилган фикрини форс ва озарбайжон тилидаги байтларида тутаплайди. Шоирнинг бу уч тилда асар яратадишини, ўз илғор фикрларини кенг тарғиб этишида унга катта имкон берганлиги шубҳасиздир. Айни замонда бу хол мазкур ҳалклар орасидаги маданий алоқалар ва фикр бирлигини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнаган эди.²

Мавлоно Фузулий эса бу соҳадаги ўз иктидоридан мамнун бўлиб, уч тилда девон тартиб берганлигини ифтихор билан мана бундай кайд килиб ўтган эди:

Ман гўзал бир суфра очтим сўздин аҳли олама.

Унда минг завқ ортириян ҳар турли неъмат ғузмишам.

Суфрама ҳар бир қўнақ келса хижолат чекмарам,

*Фарги йўх, ё турк гелсун, ё араб, ёхуд ажам.*³

XIX асрнинг Шавкий Каттакўргоний, Возех Бухорий, Алмайи, Комил Хоразмий, Жавхарий, Аваз Ўтар ўғли каби шоирларнинг айрим арабча шеърлари, байтлари бизгача етиб келган. Албатта соф арабча шеър ёзиш ҳар

¹ Х.Хомидий. «Ширу-шакар ва унинг тузишиши», ТашГПИ асарлари, 29-том, 1972, 29-бет.

² Ҳ.Арасли. Имомиддин Насими. Ўзбекистон «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1973, 66–67-бетлар.

³ Девони Фузулий, Бакы, 1948, 134-бет.

кандай шоирнинг ҳам қўлидан келаверган эмас. Озарбайжон ҳалкининг гениал шоири Муҳаммац Фузулий уч тилда девон тортиб беришга муваффақ бўлган. Шунинг учун ҳам арабийнавислик X-XI ғасрлардан сўнг ўзбек, тоҷик, озарбайжон адабиётида кенг адабий нормага айланмади. Арабийнависликнинг ижод саҳнадан тушишига сабаб – унинг Ўрта Осиёда замини йўклиги эди. Ўрта Осиё ҳалклари асосан ўзбек, тоҷик, туркман, кирғиз, коракалпокча тилда сўзловчи ҳалклар бўлганлиги учун ҳам арабча-форсча ва арабча-туркча зуллисонайнлик ўринини ўзбекча-тоҷикча, тоҷикча-ўзбекча, туркманча-тоҷикча зуллисонайнлик эгаллади ва у ҳалкка манзур бўлган адабий ходиса сифатида кўп асрлар яшаб тараққий этиб келди ва ҳозир ҳам яшамокда. Айниқса ўзбек ва тоҷик шоирлари ижодидаги икки тилинлик турли формаларда ривож топди. Бир шеърни ўзбек тилида, бошка шеърни тоҷик тилида ёзиш, бир шеърий сатр, мисра, байт ва шеърни икки тилда «Ширин-шакара» ёки «Ширу шахду шакр» тарзида ижод этиш адабий анъана бўлиб қолади. «Ширу-шакар» формасида ёзилган шеърларда икки тилдаги мисралар шунингдек, байтлар навбатлашиб келиши ҳам мумкин.

Демак, зуллисонайнлик адабий ҳақкорлик ва адабий алоқа кўриниши сифатида ўзбек ва боғка ҳалклар орасидаги бирлиkkача бориб етган мустаҳкам тарий яқинликнинг адабиётдаги ифодасидир. Зуллисонайнлик ўзбек адабиёти тарихида Бадриддин Чочий ва Муҳаммад Хоразмийтар ижодидан бошланади (XIII-XIV ғасрлар). Шамсиддин Сомийнинг «Комусул аълом» асаридаги маълумотга қараганда, Бадриддин Чочий Моварауннахрда яшаган чоғларida эски ўзбек тилида шеърлар ёзган ва шуҳрат қозонган ёки «Муҳаббатнома»нинг «Баёни вокени айтур» кисмидаги фикрларга кўра, Хоразмий бу асарни икки тилда ёзишдан ташкари, яна бир канча «форсий дафтарлар» ҳам тузган.

Мавлоно Лутфий ўзбекча билан бир қаторда форсча-тоҷикча шеър битишида ҳам «назира йўқ киши» (Навоий) бўлган. Зуллисонайнлик соҳасида ҳам адабиётимиз тарихида ҳеч ким яна буюк Алишер синигари маҳорат кўрсата олган эмас. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожи учун мардонавор кураштган ва ўзбек

халки орасидан стишиб чиккан шоирларни кўпроқ ўз она тилларидан ижод этишга даъват этган Навоий айни вақтда форс тили ва алабиётини севиб ўрганди, форс-тожик алабиётининг намояндатарини ўзига устод деб билди ва хар икки тилда баркамол асарлар яратди.

Доҳий шоиримиз ўзининг икки тилдаги ижоди хақида образли килиб бундай деган эди:

*Маннин ширину рангинам ба турки беҳад аст,
Форси ҳан лаълу дурдом самин чун бингари,
Гӯёй дар раст бозоруи сухан бикишодаам,
Як тараф дўкони қаннодию як сўз заргари.¹*

(Туркий тилда ранг-бағранг ширин мазноли шеърларим жуда кўпшир: Агар карасанги, форсий шеърларим ҳам бебаҳо лаълу гавхарлардир. Гӯё растада сўз бозори очибман: бир томонда қандолат дўкони ю бир томонда заргарлик).

Ўзбек хатканинг икки тилда ёркин гаплашиб, ёркин ижод этиш кобилиятидан фаҳрланган Навоий яна бундай ёзали: «Туркнинг улуғидан кичигига дегинча ва навкаридан бекига дегинча сарт тилидан баҳрамандурлар, андоғим, ўз хурд ахволига кўра, ёйта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балоғат ҳам такаллум килурлар, ҳатто турк шуаросиким, форсий тил билан рангин ашъор ва ширин гуфтор зохир қилурлар».²

Алишер Навоий замондошлари ва унинг муҳлислари томонидан буюк шоир фазилатлари, маданий-маънавий ҳайтга ҳомийлиги, саховати мадхила кўп касидалар, маснавийтар, вафоти йилиша эса марсиялар, таърихлар ёзилганлиги маълум, Навоийнинг садоқатли муҳлисларидан истеъдолли шоир Соҳиб Доро Восифий таърифича шундай бир жонбахш марсия таърих ёзганки, унинг хар бир байти биринчи мисрасида Навоийнинг таваллуд йили иккинчи мисрасида вафот йили ракам этилган. Шоир Ахлийнинг, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқаларнинг касидалари, самимий дил сўзлари ифодасидир. Давлатшоҳ ўзининг тазкирасида Навоий мадхила илҳом билан ёзилган муламмъа касидасини келтиради. 26 байтдан иборат бу касида

¹ Алишер Навоий. Асарлар, V том, Й китоб, «Тошкент» нашриёти, 1965 йил, 396-бет.

² Алишер Навоий, Мұжокаматул лутатайн. Ўзлавирнашр, 1940, 18-бет.

Давлатшохнинг икки тилда ҳам гўзал шеърлар яратади олганлигидан гувохлик беради. Бизнинг кузатишимизча, бу қасида Навоийгача ва Навоий даврида яратилган адабиётдаги мулкаммай санъати асосида ётилган энг йирик асардир. Байт ўзбекча, тоҷикча мисралар ҳаддлашиб келади. Айрим байтлари куйидагилар:

Субҳидам очди юзбон пардаи нағуфари,
Жилва берди ҳуснига зебо аруси ҳовари.

Аз уфқ то шуд яди байзои Мусо ошкор,
Булажаб қорони шабро рафт сеҳри сомарӣ.

Бўлди зоҳир қуфру шмон қуфри зулмат нуридин,
Шоҳ ҳовардин ҳазимат қилди ҳайли барбари.

Оташи ҳуруди шабро сўҳт аз ғамҳои субҳ,
Осмон гўи ҳайъат карда шакли мажнаро...


Мазҳари давлат Алишер, улки шери ҳақ эрур,
Хар маорикда анинг фатҳу саодат ёвари.

Он чунон ка-з мақдами саййид шуда Ясриб азиз,
Гашт дорулфазли олам аз вужуди у Ҳори

Баҳри ҳикматдор онинг зебо замири равшани,
Лўҳлӯи манзуми ул баҳри илрафининг гавхари...

Мушоира шаклишаги ғазалларгина эмас, балки китъалар, рубоиїлар яратиш Ҳавоийгача ривожланиб келган форс-тоҷик, ўзбек адабиётларида бир анъана сифатида давом этгандигини исботловчи адабий эшёлар йўқ эмас. Масалан, Давлатшоҳ Самаркандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» асарида сарбадорлар харакати куйчиларидан отабола Амир Яминиддин Фарюмадий ҳамда Махмуд Ибн Ямин Фарюмадийлар орасидаги рубоий мушоира текстини

¹ Давлатшоҳ Самаркандий. «Тазкират уш-шуаро». Форс-тоҷик тилидан Бўрибой Аҳмедов таржимаси.—Тошкент, 1981, 194—196 бетлар.



кеттиради. Бу икки рубойй ҳам мавзу, ҳам мазмун, ҳам аруз вазни ва поэтик белгиларига кўра бир-бирига ўхшашдир. Амир Яминиддин ўғли Махмуд Фарюмадийга куйидаги рубойй біслан мурожаат этган экан. Таржимаси:

Эзди итоб бирла фалак буқаламун,
Ҳам бу хоспарвар замон-дунёц дун.
Тўлдирди май шишиасидек кўзимга ёши,
Тўлдирди қалб пїёласин қонга бугун.

Махмуд Ибн Ямин отасига мана бу жавобни қайтарган:

Этди фалак жабри мени бинагун.
Ки тоини ҳам дил фарёди айлади хун.
Айладим минг қайгу бирла кундузни кеч,
Не каромат кўрсатур гардун бу кун?

Давлатшохнинг маълумотларига кўра икки истеъодли ота-фарзанд шоирларнинг шундай мушоиралари анча ва улар ижод ахллари орасида машҳур бўлган.¹

Агар Алишер Навоийга кадар зуллисонайнлик кўпроқ ўзбек шоирлари ижодида учрайдиган ходиса бўлса, Алишер Навоийдан сўнг тожик шоирлари ҳам ўзбекча шеър яратса бошлидилар ва бу ходиса ҳар икки адабиётга хос хусусият шаклига кира бошлиайди. XV–XVI асрларда яшаб ижод этган тожик шоир-ёзувчилари Камолиддин Биноий, Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифий, Бадриддин Хилолийлар ўзбек тилида ҳам асарлар ижод этгандар.

XVIII–XIX асрларга келиб, зуллисонайнлик ўзбек ва тожик адабиётида янада чуқурроқ томир ёзди. Бу даврларда яшаган шоирларнинг аксарияти икки тилда ижод киласар эдилар. Натижада икки тилди девонлар, баёзлар, мажмуулар, тазкиралар ва бошка ҳар хил адабий тўпламлар, илмий–танкий асарлар майдонга келди. Прогрессив–демократик тенденциядаги ўзбек адабиётининг Турди, Машраб, Нишотий, Равнак, Махмур, Гулханий, Нодира, Маъдан, Хозик, Шавкий, Мужрим–Обид, Мунис, Огахий, Вола, Мирий, Рожий, Муқимий, Фуркат, Табибий каби намояндлари зуллисонайн шоирлар сифатида шухрат қозонишиб, жумладан, уларнинг ўз даври иллатларини фош

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. «Тазкират уш–шуаро». Форс–тожик тилидан Бўрибой Ахмедов таржимаси.–Тошкент, 1981, 102–бет.

этувчи бир катор ажойиб асарлари тожик тилида ёзилгандир.

Тожик шоирларининг ҳам ўзбекча шеърлар яратишдаги иктидор ва маҳоратлари ҳар томонлама текширишга, тақдирланишга лойикдир. Бу шоирларининг ўзбекча шеърлари ҳам мазмун, ҳам жанр эътиборига кўра замон ва мақон, ҳодиса ва воеаларига вобаста келувчи бадиий асарлар бўлиб, уларда ўзбек ва тожик адабиётида кенг куйланган дунёвий ишқ-мухабbat темаси ҳам, замонанинг ишлатлари ҳам, ахлокий-дидактик ва маърифатпарварлиқ мавзулари ҳам катамга олинганди. Бунга мисол килиб Содик Муншийнинг Навоий ғазаллари асосида яратган «орзу» радифли ғазали, «ўлмасин» радифли мухаммаси; Возехнинг «айлаб» радифли мухаммаси; Фахрий Румонийнинг «Ўртсанур», «Бунча зебо суратинг», «Эй ниgorи сарву қад», «Билсангиз» ғазаллари, «Ганжи ниҳолим келдиттар» мухаммаси¹; Тошхўжа Асирийнинг «Иншо этармен» мураббаси, «Икки кўзи шахлодур», «Дардима дармон», «Ой ръяно», «Субҳ ҳангомида», «Анбари зулфинг», «Муҳаббат андалиби»²; Абдуқодир хўжа Савлонинг «Нозанин эрур», «Эй кўтум» каби ғазал мухаммас ва қитъалари³; Хайратнинг Ахмад Яссавии хикматлари услубида ўз замонасидаги судхурни ғаниларни фош этувчи ҳажвияси, Асирийнинг маърифа парварлиги тарғиб этувчи «грамофон» васфига бағишланган шеърлари тожик шоирларининг икки ҳалк мангу дўстлини бўстонини янги шеър гуллари билан безаш ҳарҷатида бўлганликлари далилидир.

Зўллисонайнлик хакида гап кетганда шуни алохида таъкидаш керакки, шу заминда юзага келган унинг кўпгина кўринишлари мавжуддир. Икки тилли шоирлар ҳар кайси тилда алохида-алохида асарлар яратиш билан бирга икки ёки уч тил элементларидан фойдаланган ҳолда ҳам асарлар яратгантар. Зўллисонайнликнинг ана шу бир неча тилдан фойдаланиб бир асар ижод этилиши муламма термини билан юритилган.

¹ Фахри Рўймоний, Маҳмӯаи шеърҳо, Душанбе, 1964.

² Тошхўжа Асирий, Мунтадаботи ашъор, Душанбе, 1960.

³ Савдо, Мунтадабот, Душанбе, 1958.

Муламмаъ арабча сўз бўлиб, ҳар хил рангта бўялганлик мъиносини англатади, у турли рангта бўялганлик демакдир.¹

«Муламмаъ ойдинлаштирилган, товлантiriлган, олтин суви югуртирилиб якироқ килинган деган мъиноларга эга бўлиб, адабиётда мисра ёки байтлари икки, уч тилда алмасиб ёзилган шеърий парчага айтилади».²

Шеър яратишнинг бу ўзига хос усули кенг ўкувчилар оммаси, ёдабиёт муҳлислари орасида «ширу шакар», «ширу шаҳдӯ шакар» номлари билан ҳам аталиб келинган. Шеър байт ва мисраларида икки ёки уч тил элементларининг иштирокига караб шу истилоҳлар ишлатилган.

Кайд этмоқ лозимки, айrim илмий ишларда муламмаъ шеърий жаңр деб изоҳланади.³ Бизнингча, у мустакил жаңр эмас, худди ҳажвга ўхшаш лириканинг турли жанрларидаги кўлланилиши мумкин бўлган шеърий санъат, шеър яратишдаги бир приём-усулидир.

Филология фанлари доктори мархум М.Юнусов ўз тадқикотларида бу хил шеър санъатлари табиати ва хусусиятларини кенгроқ тасаввур килишга имкон берувчи муҳим фикрларни баён килади: «Ўрта Осиё ҳалклари адабиётида қадим замонлардан бери бирор лирик шеърни, кўпинча газални икки ва ундан ортиқ тилда ёзиш бадиий приёми кўплаб келинган. Шонirlар бир мисраси арабча, ёки форсча, иккинчи мисраси форсча-тожикча ёки туркий тилда ёзилган байтларни «муламма макшуф» деб, агар бир мисранинг ўзида икки тил ишлатилган бўлса – муламмаи маҳжуб деб юритганлар. Бу санъат, умуман «санъати муламмаъ» номи билан машҳур бўлган. Кейинроқ эса уни «ширу шакар» деб ҳам атай бошлидилар».⁴ Бинобарин, бу анъананинг тарихий илдизлари анча қадимий бўлиб, унинг форс-тожик адабиётидаги намуналари Манучехри, Саъдий, Хоғиз ва бошқалар ижодидаёқ кўринади. Йирик олим Садриддин Айний муламмаъ, ширу шакар усули билан шеър

¹ Х.К.Баранов. Арабско-русский словарь, М., 1958, стр.933.

² С.Айний, Асарлар, 8-том, Т., 1967, 165-бет..

³ Р.Мукимов, А.Ахмаджонов, Санъати муламмаъ дар лирикано Ҳофиз, Маъталаҳон филологияни тоҷик. Самарқанд, 1973, 55-саҳифа.

⁴ М.Юнусов. Традиций ва новаторлик проблемаси, Т., 1965, 171-бет.

яратишининг форсий адабиётдаги ихтирочиси шайх Саъдий хисобланади¹, деб кўрсатади.

Сўнгити асрлар ўзбек адабийтининг Машраб, Доий, Мирий, Ахкар ва бошқа вакиллари ҳамда Фахрии Рўмоний, Нозил Хўжандий, Сафо Истарафшоний сингари тоҷик шоирларининг ҳам кўпгина муламмаъ ғазаллари бор. Жумлацан, XVII–XVIII. асрларда яшаб ижод этган оташнафас шоир Боборахим Машраб ғазали муламмаъ усталаридан эди. Ўнинг қўйидаги ғазали шундай шеърларнинг намунасиdir:

Мендин соломе ба қўйи жонон,
Эй бод, еткур арзи гарибон.
Ҳам дардмандам, бехонумонам,
Жоно, ту буди дардимга дармон.
Ҳарчанд моҳи қурбон келодур,
Ҳар дам қистурман жонилини қурбон,
Эй дўст, ту рафти, то дийда рўяд,
Ёлгуз қолибман дар шаҳри хирмон,
Аз дарди ту номанда сабрам,
Эмди нетарман таҳти Сулаймон.
Бечора Машраб қўйди гамингдун,
Монанди зулфат ҳолим паришон.²

XIX аср шоири Мирийнинг маин бу ғазали муламмаси ҳам характерлидиr, у ўзбекча-тоҷикча сўзлар аралаштириб (ширу шакар приёми) ишлатгани ҳолда саҳна кўринишидагиек картина яратади. Қўйидаги шеърда ошик билан маъшуқанинг юмористик тондаги сухбати бунга мисол бўла олади:

Айладим мунглиг кўнгул ҳолаши ба он
сиймин бадан,
Аз сари нозу итобан гуфт: – Мунглуг
санмусан?

Дедим: – Оре, мен эрурман ҳаста аз бедоди ту,
Гуфт' бо сад ноъз: – Озорингни мен қилдим қачон?
Дедим: – Эй ширин даҳон, имruz коми дил бидеҳ,
Аччиғ-ачиғ заҳарқандо айлаб бигуфта.

¹ С.Айний, Асрлар, 8-том, Т., 1967, 165-бет.

² Машраб. Танланган асрлар. ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1959, 141-бет.

— Дали мазан.

*Гуфтам аз жаври ту омад жон ба лаб ўлгум яғин,
Гуфт: Боқе нест, ҳозирдур сенга гўру кафан.*

*Турқу тоғик шиқингга очуфтас, тун шархаши кунам.
Телбалардек Мирий ҳам гоҳ турқу, гоҳ тоғик даҳан¹*

Мулламаъларнинг араташ турлари ҳам бўлиб, улар икки тилдаги сўзларнинг жойлашиш тартиби ва ритмик ҳолатига кўра икки хил кўриништа эга:

1. Ҳар бир мисра ўзбекча-тоғикча ритмик бўлак-руқнлар бараварлигига келади:

*Икки юзингнинг қизили чун себи Самарқанд,
Гуфто: Биоиҳам сўрса агар Машраби филбанд.²*

*Жамолинг то ситеҳри уза чун меҳри анвар шуд,
Була олмай муқобили гулруҳан аз зарра камтар шуд.³*

Кайд этмок лозимки, айрим илмий ишларда муламмаъ шеърий жанр дёб изоҳланади. Бизнингча у мустакил жанр эмас, ҳудди хажвитга ўхшашиб лириканинг турли жанрларища кўлтанилиши мумкин бўлган шеърий санъат, шеър яратишдаги бир приём-усулиdir.

Мусаммати муламмаотларнинг ўзбек тоғик тилидаги намуналарини биз Ақмал Хўқандий, мириза Содики Мунший, Махмур, Фозий, Алмайи, Аҳкар, Фахрий Рӯймоний, Жонмуҳаммад Жоний, Нозик биби Хўқандий ва бошқа катор қаламкашлар ижодида учрата оламиз. Улар ҳар хил тил элементларининг бандлар, улар ичидаги мисраларда жойлашишларига караб бир неча хил тузилиш тартибига эга.

1. Бир банди ўзбекча, бир банди тоғикча ёзилган мусамматлар. Уларнинг мухаммас формасидаги намуналари Махмур лирикасида мавжуд. Махмурнинг «Такаббур» радиофти мухаммаси шўндай:

*Эй дўхта бар қадди ту ҳайёт тақаббур,
Бар қомати ту рехтә олот тақаббур,
Уф тода чу шайтон зи самовоти тақаббур,
Мероси туро дод камолот тақаббур,
Гўянд аз ин боб туро зоти тақаббур.*

¹ Мирий, Ташланган асарлар, Т., 1965, 134-бет.

² В.А.Абдуллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, 1964, 76-бет.

³ М.Юнусов. Комил Хоразмий, Тошкент, 1960, 98-бет.

Ҳар субҳ салом айлар анга бир неча авбош,
Мажмуи фалокат зада-ю, муфлису қаллош,
Нон бирла қабо қайгусида кўзларида ёши,
Нон қайдаки йўқдур ани оишонасида тош.
Афсус бу аҳволида исботи тақаббур...¹

2. Ҳар бир бешликнинг бири ўзбек тилида, бири тоҷик тилида ёзилади. Лекин ҳар бир банд охиридаги умумий қофиядош мисра тоҷик тилида тутапланади. Бундай муламмаларга Акмал Ҳўқандийнинг ниҳоятда гўзал ёзилган 28 бандли мухаммаси мисол бўла олади:

Шуълаи ҳавволасан ё шўхи оташпорасан,
Жонима ўтлар ёқиб, кўнглумни ўртаб ёрасан,
Гоҳ жафо тигин олиб қўлга, юргон ёрасан,
Харчи сози бар дили бе кийна таслим овараст.

Маръми оаълат масехи бўса ҳарчо кард фош,
Токай, эй гул, хор ҳаршаб сийнаам созад харош,
Сачдаи шукри туро карданд муштоқон талош,
Раҳм кун бар Акмал охир эй бути кофир майдош.
Умрҳо шуд дср гамат гулханишини ахгараст.²

3. Мухаммас ҳар бандининг 4 мисраси ўзбекча, бешинчи мисраси тоҷикча ёки акснич, 4 мисраси тоҷикча, бешинчи мисра ўзбекча. Мухаммаси муламмаънинг бу килда баъзан ҳар банд охиридаги иккни мисра ё ўзбекча ёки тоҷикча бўгиши ҳам мумкин. Содик Мунший, Маҳмур, Аҳкар, Нозик биби Ҳўқандий ижодиша уларнинг намуналари бор.

Содик мухаммаси:

Илоҳи, ҳеч киши ҳажрингда маҳжур ўлмасун мандек,
Букулган бори меҳнатдин қади «кун» ўлмасун мандек,
Лабида оҳк-афғон дийда пурхун ўтмасун мандек,
Киши маъюс ўлуб ул ёрдин айрилмасун мандек,
Намояд дар назар моро хаёли қадди наврастам.
Зи ҳачрат сўхтам чандон, ки шуд хокистарам чигар,
Намепурей зи аҳволи мани саргашта, эй ғилбар,

¹ Маҳмур. Ташкент, 1956, 118-120-бетлар.

² А.Қасимов. Қўйон адабий мухити, ЎзФА нацириёти, Т., 1961, 45-бет.

Ба ёди турраат додам хешро яксар,
Ба хоки роҳи ту гуфтам, ки аз дурри Яман беҳтар.
Деди: туфроққа яксон айларам туркона бадмастам.¹

Ахқар:

Санам күйига бориб ё самад дебон юрсам,
Еубори даргаҳини кўзга тутиё қисам,
Кучуклари каби урса мен андин ўргилсан,
На тарсам аз ситамаш нотавон шавам тарсам,
Ки нотавонийиман бинаду ситам накнад.²

Нозик биби Ҳўқандийнинг бир шундай муҳаммаси 7 банд бўлиб, 4 банди тоҷик тилида:

Сарви қадинг санобара ўшиаб чамандадур,
Товусу кабк кўрӯб хиромингга бандадур,
Сендеқ ниғори маҳвашу танноз қандадур,
Ул кўзу қошу, оғу қизил юзи сандадур,
Кам дидаем ҳусн бадин навъ оту ранг.

Гар яқдаме ниғор, бигўсти ба ман сухан,
Гардам гоҳ аз забону, гоҳо аз лабу даҳан.
Харфи маро ату чўши кун, э сарви сиймтан,
Отиазабон чу шамъ машав андарин чаман,
Нозик агар муҳаммасини яхши кўрсанг.³

4. Ҳар банди ўзбекча ва тоҷикча мисраларнинг навбатлашиб, аралашиб келиши асосида тузилган мусаммалар: Масалан, Махмурнинг «Муножот ва даргоҳи қозӣ-юл ҳожот» мухаммасининг дастлабки икки бешликдаги охирги мисралар ўзбек тилида, учинчи бешлик тамомила ўзбек тилида, тўртичинчи бешликнинг тўрт мисраси тоҷикча ва бир мисраси ўзбекча, бешинчи бешлик яна соғ ўзбекча ва ҳ.к.

Булардан ташқари, муламмъ санъати билан зийнатланган мусаммалар ичиди маълум бир шоир газалига ёзилган тазмин намуналари ҳам учрайди. Алмаййнинг арабча, тоҷикча, ўзбекча сатрлардан иборат машҳур

¹ Мирза Содикий Жондорий. Девон, ЎзФАШИ, инв. 3913, сах.12

² Баёзи Махдий Каттақўргоний. СамГУ. инв. 21915, сах.71

³ Тўхтасин Жалолов, Ўзбек шоирлари, Тошкент, 1981, 170-171-бет.

муламмаси¹ Абдурахмон Жомий газалига, Ахъарнинг юкорида бир банди келтирилган мухаммаси эса Шавкий Каттакўрғоний газалига ёзилган шеърлардир.

¹ Баёзи Махдий Каттакўрғоний. СамГУ. инв. 21915, сах.71

ТАЗМИН САНЬЯТИ

Тазмин арабча сўз бўлиб «тұғатда бир нимани бир нима орасига қўймоқликни»¹ англатади. Адабий истилоҳдаги маъноси эса бошқа шоир шеъридан парча олиш, демакдир. Бунда маълум бир шоир ўз шеъри таркибида бошқа бир шоир шеъридан мисра ёки байт келтиради. Бошқа шеърлардан олинган мисра ёки байт шоирга илхом беради, унда ўша мисра ёки байтлардаги фикрни янада давом эттиришга, чукурлаштиришга иштиёк түгдиради. Атоуллоҳ Ҳусайнин «Бадойиъ ус-санойиъ» асарида бу ҳусусда ёзди:

«Тазмин андоғдурким, шеърга ўзга бировнинг шеъридан бир нима, агар ул шеър машхур бўлмаса, анинг ўзга қишиникилигини эслатиб киритилур. Эслатманинг фойдаси улдурким, шоир уғурлукта айбланмас. Кўпроқ шеърда бир мисра ёки бир байт тазмин килинур. Унда баъзан икки ва ундан ортиқ байтлар ҳам олиниши мумкин. Бунда ўз муродин туталламакка кўмак олиш кўзда тутилади.»² Одатда тазмин сифатида олинган мисра ёхуд байт тазмин келтирган шоир ғазалининг биринчи мисраси, матлаи сифатида келади. Эпиграф – тезис сифатида келтирилган шу мисра ёки байт тазминчи шоир яратадиган мисра ва байтлар учун қолип, моя ролини ўтайди. Тазмин усули классик поэтикада «Тазмин», «Ихтиоб» санъатлари деб ҳам юритилади. Демак; тазминда ҳам назира ва татаббулардаги каби ўзга шоир шеърларига эргашиб, унинг гоявий-баний жиҳатларидан таъсирланиш масаласи ётади.

Ўзбек адабиётида тазмин шеърларнинг яратилиши ва анъана сифатида давом эттирилишида ҳам Навоий роли бекиёс каттадир. Навоийнинг ўзи ҳам бу усулга кўп мурожаат этти. Айникса, улуғ шоир ижодида Ҳофиз, Жомий, Саъдий даврида битилган шеърларнинг беназир намуналарини учратамиз. Унинг туркигўй шоирлар асарлари асосида ҳам гўзал тазмин шеърлар ижод этганлиги маълум.

¹ Атоуллоҳ Ҳусайнин. «Бадойиъ ус-санойиъ» – Тошкент, F.Фулом номидаги АСН, 1981, 244–250 сахифалар.

² Ўша асар.

Алишер Навоийнинг «Чор девон»идаги тазод усулида
ёланган:

*Кўзинг не бало қаро бўлубдур.
Ким жонга қаро бало бўлубдур –*

Матнали машхур ғазали тазмин ғазалларнинг энг гўал намуналаридан бири саналади. Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафонс»да берган маълумотларига кўра, бу байт аслида унинг самарқандлик дўсти Мирзобек исмли истеъдошли бир шоирга мансуб бўлиб, у бевакт вафот этгач, шу дўстининг хурмати ва хотираси учун бу байтни давом эттирган ва ғазал шаклида тутатиб, ўз «Чор девон»ига киритган. Биринчи байт Мирзобекка тегишли эканлигини хисобга олганда уни ҳаммуатлифлик меваси дейшг мумкин. Шундан сўнг канчадан-канча шоирлар бу байт ва ғазалнинг мафтуни бўлшилар ҳамда унга назиралар, тазмини мухаммаслар битдишлар. Навоий тазмини ғазалини тўлик қелтирамиз. Бунда қўштирнокқа олингани Мирзобек байтидир.

*«Кўзинг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонга қаро бало бўлуптур»
Мажмуи давони дард қилди.
Дардинги, манга даво бўлуптур.
Ишқ ичра аниңг фидоси ҳар жон,
Ҳар жонки санга фидо бўлуптур.
Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонага ошно бўлуптур.
То қилди юзунг хавоси жойши:
Юз сори анга ҳаво бўлуптур.
Боқий топар улки, бўлди фоний,
Рахравга бақо фано бўлуптур.
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур!**

Бу анъана Навоий давридаёк ижод ахллари орасида кенг рафбат топди, илдиз отди, асрлар оша яшаб келди.

XIX асрнинг машхур шоири ва тарихчиси Шермуҳаммад Мунисининг шоир сифатидаги камолотида хам Алишер Навоийнинг таъсири катта бўлганлиги маълум.

¹ Ғазал бўстони. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988, 45-саҳифа.

Мунис Навоий лирикасияннинг Ҳоразымшаги энг кучли давомчиси ва ташкилотчиларидаң бири эди. У Навоийни бадний ижод йўлида ўзига пир, буюк мазакор деб билган.

Муниснинг Навоий ва унинг ижодига нисбатан мухаббати канчалик кучли бўлганлигини «Мунис ул-үциюқ» девонидаги кўпигина шеърларнинг қиёсий тахлили кўреатиб туради. У ўзининг ошикона, орифона газалларида, тазмин мухаммасларнида, қасидатарида Навоий асарларидан айнан мисералар, байтлари даражасидаги назиран беназир газаллар, мухаммаслар яратишга муваффақ бўлади. Айтайлик, Мунис Навоийнинг машхур «Хилодия» қасидасига кўйидаги:

Эй қошинг меҳроби тарх айлаб янги ой хайъатин,

Вақф анга қўлмиш малойик хайли накди тоатин –
орифона матлаъ байтини келтириб, сўнг «унга жавоб айтиш хар бир шонрнинг балогати мезонидир», – дейди ва шу байт изидан бориб унга мос тушувчи байтлар яратади олганлигидан фахрланади. Мунис ўзининг Йид айёмига багишланган қасидасининг хотима киёсига бунга ишора қилиб шундай тазмин ва мустақил байтлар келтиради:

Эй қошинг меҳроби тарх айлаб янги ой хайъатин,

Вақф анга қўлмиш малойик хайли накди тоатин.

Чун ба матлаъ фикрига топди хаёлим ихтисос,

Кўнглумга солди хавас бу навъ даъвий нахватин.

Ким киши бўлгай муким, деса бу матлаъжавоб,

Кўргузиб арзи балогат ичра табын қиддатин.

Бу хаёл ичра эдим ногах Аторид хандазан,

Байтуя эҳzonумга еткурди кудуми нузхатин.

Турдиму ара айладим матлаънию даъвини ҳам,

Йистимов этгач бу янелиг чекти маъни суратин.

Ким кўнгил гулзоридиҳо шоюки нахватни орит,

Кўндурур оламда сайр этган мадони жаннатин...¹

Бобораҳим Машраб қаламига мансуб бўлган ва кўш радифли кўйидаги газалнинг биринчи байти ҳам Лутфийнинг машхур газалидан айнан олингандир:

«Сен–сен севарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,

Кондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма».

Фам шоми фироқингда кабоб этти фалакни,

¹ Мунис. Сайланма, 1980, 315-бет.

Ногоҳ сари қўйине аро бўлдум санга мойла,
Эй този сарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.
Машириб каби куйингда бўлиб барқи тажалли,
Колмай асарим, хоҳи инон, хоҳи инонма!

Маърифатпарвар шоир Зокиржон Фурқатнинг ишкий мазмундаги «Сурмадин кўзлар қаро ҳинодин лола-ранг» мисраси билан боштаниувчи ғазалдаги мазкур мисра Фузулий мухаммасидан олинган. Фурқатнинг мана бу ғазалидаги матлаъ ҳам Ҳувайдонинг шу рух, мазмун ва шаклдаги ғазалининг матлаъсидир:

«Дарди йўқ бедард қишилар дард қадрин на бўлур,
Дунёда номард кўндор мард қадрин на билур».
Заъфарон бўлди чиройим ёр учун, эй дўстлар,
Билимаганглар бу чиройи зард қадрин на билур.
Жон узуб жон уладим кокили жононга мен,
Фаҳми йўқ бкфаҳмлар пайванд қадрин на билур.
Йигладинг ҳарчано Фурқат билмади қаорингни эл,
Тушмаган бошига дард ҳамдард қадрин на билур.

Мукимий билан Нодим Намангоний ижодида бир-бирларига мазмунан ўхшаб кетадиган шеърлар, хатто айнан бир хилда бўлган мисралар учрайди. Мукимийнинг «Толеим» ғазалидаги «Рўзғорим тийра іқболим забун, баҳтим қаро» мисраси Нодимнинг «денг» раҳифли ғазалида тақрорланади.² Аваз Ўтар ҳам ўзининг «Шаш радиғиз» хажвий ғазалларида шу радиғдаги Навоий шеърлеридан айрим мисраларни ўзгаришсиз олади, ўз мисраларини ва форма жихатидан шу мисраларга ҳамфир, ҳамшакл қилишга интилади. Бундай ходисалар бонка шоирларимизда ҳам кўп учрайди. Мунис Навоий ғазали руҳидаги бир шеърида Навоийнинг тазмин¹ ғазалга обьект бўлган шеъридаги «Эй кошинг меҳроби тарх айлаб янги ой ҳайъатин. Вакф анго китмиш малойик ҳайти накти тоатин» байтини айнан келтиради, шунинг изидан ўз мисраларини давом эттиради.

Адабиёт тарихида тазмин ғазал яратишнинг бошкacha усули ҳам учрайди. Бундай тазминларда бошқа шоирлардан

¹ Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1959 й. №4, сах.54.

² А.Халилбеков, Мукимий за Нодим, Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1966, №1, 48-сах.

олинган парча тазмин газалининг сунидга келтирилади. Чунончӣ XIX асрда Кувада яшаб ижод этган шоир, мусаввир ва хаттот Абдуқодир Нозик ўзининг бир баёзида Алишер Навоийнинг уч газалини келтириб, шу газалларнинг охирига ўз тахаллуси билан бир байт илова килди. Нозик илова килган байтлар Алишер Навоий газалида илгари сурилган фикр, коя билан боғланган бўлиб, гўё икки мактаъли бир газал найдо бўлган. Шундай килиб, кувадик бу шоир, назаримизда, Алишер Навоиниг муносабат, унинг бой поэтик дунёсиган баҳра олишининг янги, бошка шоирларда учрамайдиган бир формасини тажриба килди. Биз бу ўринда Алишер Навоийнинг Нозик томонидан кўчирилган икки газалининг матлаъ ва мактаъларини хамда котиб шоирнинг ўз илова мактаъларини келтириш билан кифояланамиз:

1. Алишер Навоий газалининг матлаъ:

Нома ёздим ёр учун лекин жавобе топмадим;

Жисмима ул номадек жуз печу тобе топмадим.
мактаи:

Эй Навоий, ҳажр аро қил ишқ бирла маишарат,

Ким мен истаб ағлдин раюю сабобе топмадим.

Шу газалга Нозикнинг илова мактаи:

Ҳажр аро бошим қотиб, Нозик, висолинг истабон,

Ўзни йўқ қулмоқдин ўзга бир ҳисобе топмадим.

2. Алишер Навоий газалининг матлаъ:

Шарҳи дардим ёрима ёзib жавобе топмадим,

Номадек ул шарҳдин жуз печу тобе топмадим.

мактаи:

Эй Навоий, ёр лутфу қаҳрининг хохонимен,

Ҳам эрурмен хуш гар андин жуз ишебе топмадим.

Шу газалга Нозикнинг илова мактаи:

Истадим оламни то топмамки бир озодани.

Сўрдим элдин Нозик—у ҳареғиз жавобе топмадим.

Абдуқодир Юсуфохунд ўғли Нозик томонидан битилган шеърий парчаларниң айримлари навоийшуносларимиз олдига кўчириб ёзилган шеърларнинг

¹ Абдуқодир Нозик кўлёзма баёзи, саҳифалар рикамланмаган. Кўлёзма Фаргона Даеклат пед.институти доценти Мухаммаджон Мадғозиев кўлида сакланади.

Алишер Навоийга мансублигиини аниклаш масаласини күйди. Чунончи Нозик пареканда асарлари орасидан «Хазойинул маоний» да йўқ куйидаги байтининг учраши хам шуни такозо этади.

Эй Навоий, сехра оам тут кўзда сафро бафъига,

Кахрабо келтур қўёшдин гут буржидин балиг.

Демак, ўтмиш адабиётида тазмин усули билан шеър яратиш, бошка шонрнинг шеърий байт ва мисраларини уз шеъри таркибида эпиграф, тазмин сифатида айнан келтириш, улардан ўз фикрларини байдири ифодага солиш учун мезон, тезис сифатида фойдаланиш конуний адабий норма, анъана хисобланган. Бунда шонрлар ўртасидаги якинлик (плагиат шонрларни назарда тутмагандга) ва ҳамфирлилик маълум даражада ўз ифодасини топган.

Адабиётшуносликда бაъзан тазмин билан таворуд араташтирилтади. Ҳолбуки таворуд бирор автор асарининг парчаси, ундаги мазмуннинг бошка бир автор асарига тасодифан ўтишини билдиради.

Озарбайжон олимси М.Гулизода «Таворуд – икки шонрнинг бир-биридан хабарсиз, тасодифан бир-бирига айнан ўхшаш сўслар орқати бир хил маъноли миера ва ёки байт яратишидир», деб ёзди. Профессор Б.Валихўжаев кам бу усулни «Таворуднинг луғавий маъноси бир вактда содир бўлишдир. Адабиётшунослар эса, икки шонрнинг бир-биридан хабарсиз холда бир хил маънодаги байт, шеър ёзишлари – ходисасига таворуд дейишади»¹ тарзида изоҳлайди.

Таворуд усули баъзи холларда айрим плагиат шонрларнинг бошқатар шеърларини, улардаги маъноларни ўзлаштириштарига хам сабаб бўлган. Бунчай ходисаларининг содир бўлиб туришини XVIII аср тазкиранависларидан Малехон Самаркандий ўзининг куйидаги мисраларида жуда аниқифодатаган эди:

“Агар маъни из байти шахо рабуд,

Таворуд ниҳаф номи бузди ба худ.

Ба мағнун агар саҳибаш бурд най.

¹ Мэхэмэд Физули. Элми таштиги магалалар, Баки, 1955, саҳ.73

² Б.Валихўжаев. XV-XIX ғарблар узоек адабий-танкийи каравитари тарихидан, Самарқанд, инти серия, 138-нешр, 1964, саҳ.114

Ба даңғон газад даст, гүяд: ҳай!

(Мазмуни: “Шоирлар бирор шоирнинг шеърини ўғирлаб, уни ўзлариники деб кўрсатадилару, шеърининг асл эгаси бу ҳолни билib қолгудай, бўлса, ўзларининг ўғирликларини яшириш учун “бу таворуд бўпти”, деб айтадилар)¹

Ўрта асрлар поэзиясида тазмин ғазаллардан ташкари тазмин мусамматлар ҳам учрайди. Бунда шоир у ёки бу санъаткор ғазалидан биргина байтини олиб, уни мусамматнинг бошланғич банди таркибига киритиб, то шу мусаммат охиригача шу байт оханги ва шаклида ўз мустакил мисраларини давом эттиради.

Машхур туркман шоирни ва достониависи Мулланапас ўзининг “Зохра ва Тохир” достони таркибиза Навоий ғазаллари асосида яратилган монолог ва диалог шаклларида шундай мухаммасларни келитиради. Бу мухаммаслар Навоий ғазалларига ёзилган тахмислар эмас. Уларди шоир Навоий ғазалларининг барча байтларини келтирмайди, балки худди тазмин ғазалларидаги каби Навоий ғазалининг матлаъ байтинигина олади. Шу байт Мулланапас мухаммаслари учун асосий контур, ориентация бўлиб хизмат килади. Шоир шу байт изидан бориб, ўз мухаммасларининг бошқа бешликларни тузади. Натижада бир қанча бандлардан ташкил топган Мулланапас мухаммаслари таркибиза Навоийнинг бир байтигина бутун шеърга зеб бўлиб туради. XIX асрда Маргилонда яшаб ижод этган Рожий рамал баҳрида (фонлоттун, фонлотун, фонлоттун) ёзган 11 бандли мухаммасининг ҳам факат асар бошида келтирилган бир байтигина Навоийницидир:

*Элга барги айи экан ҳар бир гули бўстон иси,
Искадим ман ғам самуми бирла гўё қон иси,
Топмадим гулцан насмидин магар хирмон иси,
«Гар баҳор эл топса бўстондин гулу раҳон иси.
Келур ул раҳон ила гулдин менга ҳижрон иси»*

Рожий тахаллуси билан ижод килган иккинчи бир қўконли шоир Сулаймонкул уста Суяркул ўғли (Рожий Хўкандий, 1871–1924) ҳам шундай тазмин мухаммас

¹ Б.Валихўжаев. XV–XIX асрлар ўзбек алабий–танкилий карашлари тарихидан. СамДУ асарлари, янги серия, 138–нашр. 1964, сах.134

яратган. У Кўконда машхур бўлган фукаропарвар, ҳазилмутойибага уста шоир Калтатойи мухаммасининг бир бандини олиб, шу мисралар руҳи ва услубида ўзи кўшимча бешликлар яратиб Калтатойи мисраларига пайвандлаган. Натижада Калтатойининг беш мисрали шеъри асосида Рожийининг янги мухаммаси майдонга келган. Рожийнини бу мухаммаси хоксор бир инсоннинг Калтатойи мисраларида бошланган ҳасрату надоматларини, толен паст ва чораксиз колганилигидан ўта норозилигини ифодалайди. Калтатойи бешлиги:

Манам бир гушаи ҳилватди етган рудапойингман,
Эшикдан урсангу қувсанки кетмас бир гадойингман,
Ёмонингдан ёмону, бадномодин баднамойингман,
Демасман аргумоқу, тупичку, бодвойингман.
Бахар ноқобили бир бекуюшқон Калтатойингман.

Шу мухаммас банднинг Рожий Хўқандий тўлдирган мустакил, лекин тазмин бандларидан икки бешлиги:

Хаводис садмасе жисмимни камоли хавон қилди,
Новайиб зарбари кузум сиришким аргувон қилди,
Таому шарбатим уз толеиму захру қон қилди,
Не дей баҳтиимниким охир мено бехонумон қилди,
Ва ёру манзилу маъводин уогон мосивойингман.
Тириклик ўткарибман уирлар байтулхазан ичра,
Менга йўқ қадру қиммат заррадек хайли ватан ичра.
Канот қоққан эмасман ҳеч зогу заган ичра,
Демасман булбулингман хўйнавоийингман чаман ичра,
Такаллуфдин бари бир бум вахшат оианойингман.

Рожий Хўқандий 400дан ортиқ мақол ва хикматли сўзлар сингдирилган шеърий «Зарбулмасал»и билан ҳам машхурдир.¹

Шундай тазмин мухаммас яратган шоирлардан яна бири Оразийдир (1869–1942). Ўтмишнинг ва уруш йилларигача бўлган даврнинг аччиқ-чучугини, иссиксовуғини кўрган истеъодли бу шоир Кўкон, Андижон, Шахриxonда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг 40-йилларигача ижод килган, фаолият кўрсатган шоиру

¹ Асрлар нидоси. – Тошкент, 1982. Рожий Хўқандий ҳакида қарғиг: Д.Рахматова. Муқимий издошлари. – Тошкент, ФАН, 1978, 37–50–бет.

олимлар, хоғизу созандалар билан дўст-кардан бўлган, улар билан алока ва ҳамкорликда ўз ижодини давом этирган. Оразийнинг илк тўплами 1959 йилда чоп этилган. Унин үзига устоз деб хисоблаган салаф шоирлар Газатларига ёзган тазмин мухаммаслари ўқувчини тўлинилантира олади. Оразий Фағридин рожий каби ҳажв-хазит арадаш тазмин мухаммас ҳам яратди. Бу мухаммас 1929 йилда ҳажвчи шоирлар – матбуот ходимлери, Олимжон Кобулов ҳамда Комил Алиевлар Шахрихонда булишиб шоир билан музокотла бўлгандга битилган. Ҳажвчи шоир, фельетончи Олимжон Кобулов Оразийга шуролар лавридаги турмушни, камчиликларни танкид килювчи шеърлар ёзмаснити кераклигини айтаб, шунга ишора килювчи 5 мисра, бир банд мухаммас ёзди. Ҳакикатгўй шоир Оразийга мухаммасдаги илмокли, кинояни сатрлар каттик таъсир килиб ўша бир бандли мухаммас услубида уига янга тўрт банд кўшади. Оразий кўшиган мухаммас бандлари Олимжон Кобуловнинг бир бандли мухаммасига ҳажвий жавоб сифатида майдонга келди.

Матни:

Сулушон Оразийнинг захда қолган танбурин тори,
Фигонин авжи афлоққа чиқармас бўлса сетори,
Касод улди деманг, янглиш арур гавхарни(нг) бозори,
Чиқар, қўқманг, матойи аслининг бир кун харидори,
Азиз ўлмас эди гул, қўлга то санчидмаса кори.

Анинг – чун шоду хуррамман – вужудим бор учун солим,
Агарчи лаззат олмиши бўлса ҳам уйқудин иқболим,
Билурман, ер эса олам, мушавваши улмаган холим,
Муқаррар боиси осойиш улсам жамъ этган молим,
На деб ҳам шиква қилгайман, фалак ранж улса рафтори.

Кулоқ солмас улдим суди йўқ ҳар турли «ҳо – ҳо»га.
Хушин ҳам йўқ, сиёқим ҳам маош излаб муросога,
Насибим йўқ азалдин ҳам рийлик зухд–тақвога.
Захира йигмоқ одат қилмадим имруз–фардога,
Муяссар бўлмаган – чун, не бўлгай эртанинг кори.

Яшар ҳар бора кўрдук хурлик илан қаргаю қузгун,
Кафасоа банд улур тўйтиши ҳушхон, булбули маҳзун.

Манас юсфим нафур ҳар рангда жавлон айласа гардун.
Үқиб тарихи олазни ўзумни айлагум мамиун.
Ва лекин яхши билоим; йўқ экан ҳасратниңг) даркори.

Билурмиз эътиборин шох экан оламда мазлум қуши.
Күшиш-қуши, лайлак ҳам қуши, қарчиғай ҳам.

Синсалак ҳам қуши.

Миншики чора топмас ҳарчи Сичкон бўлса зирак, хуши.
Хатардин холи бўлмас оразий гар бўлмаса ҳомуши.
Таманноланмагай ҳар ким деса гавҳарча ошкори.

Файласуф шоиримиз Гафур Фулом ҳам Хирот сафари. Навоий кабри зиёрати таассуротларини тазмин мухаммас силкига тушириб, ўзиминг тоят самимий ва гаъсиричан чиккан бу мухаммасида утуғ шоирнинг «Навоий ҳам етар то рўзи маҳшар тарки хоб айтаб» мисрасини тазмин сифатида олади.

Наовий ғазали ҳам, унинг бир мисраси асосида майдонга келган Гафур Фулом мухаммаси ҳам вазни, радиофлари, фикрий олами жихатидан бир-бiri билан шундай ҳамоҳангки¹ бу шоирнинг улуғ Навоийга кучли эктиромини Навоий орзулари тантанасиний ифодалайди:

Китобинг кирмаган ўзбек элида хонадан ўқдиш.
Рубобий қўйларинг ёд билмаган бир жонажон ўқдиш.
Етук авлодларингдор илм оонили, гумон ўқдиш.
Башар тарихини юз бор ўки, бундай замон ўқдиш.
Кўнгилларни ёритдиқ маърифатдан моматоб айтаб.
Ватан осмонида нурга тўла офтобни, юлдузни.
Буюк икболни ижод айлаган мингларча гул юзни.
Коронен шоми йўқ доим мунавар баҳтли кундузни.
Жачолини кўришига бир умрлар юммайин кўзни.

«Навоий ҳам етар то рўзи маҳшар тарки хоб айтаб»
Шундай қилиб, мумтоз ва ҳозирги замон шеъриятида Навоий ва бошқа салаф шоирлар ғазаллари асосида яратилган таҳмин ғазаллар мухаммаслари жуда кўрдир. Улар асосида истеъодли шоирларимиз янги Газаллар, мухаммаслар яратишга муваққирак бўлганлар.

¹ Оразий. Насибам ғам әрур. Шарқ юлдузи, 1992, 5-сон, 103-104-бетлар.

² Гафур Фулом. Викор. Лирика – Төйткент, 1980. 137-бет.

ИСТИХРОЖ (КИТОБАТ) САНЬЯТИ


Ушбу санъат атамасининг лугавий маъноси «казиб» чикармокдир. Ижодкор истихроj санъатига мурожаат этганида ўкувчилар диккатини ёзувдаги харфлар муносабатига жалб этали ва шу харфлар орқали ўзи кўзлаган поэтик нияти очиб беришини кўзда тутади.

Истихроjлар табиатини изчил ўзлаштириш учун унинг хилларидан воказиф бўлмок керак. У ўтмиш бадиёт илмида «харф, тасия, китобат санъати» истилоҳлари билан атаган.

Шоир араб тилидаги харфларни берадида, уларнинг йигиндинин хам байтда айтиб ўтишни (сездириб ёки сездирмай) лозим топади. Бундай усул гоҳ жўн харфлар номинигина айтиш ва гоҳо китобат орқали келтирилган бўлиши мумкин.

Шоир Мухаммадниёз Нишотийнинг «Хусну Дил» достонидаги куйидаги байтлар шундай санъатнинг етук намуналаридан:

Икки ломи зулф аро кўргач алифдек қаддини,

Тонг эмас, эй аҳли дарк бўлмас тилимнинг нутки лол.
Муаллиф маҳбуба соchlарини икки лом харфига ўҳшатиб соchlари орасидаги қоматини алиф сифатида кўрмокда. Демак, алифни икки «Л» харфлари орасида текстдаги «Лол»  сўзи келиб чиккан бўлади.

Истихроjлар бадиёликнинг узвий бир кисми сифатида асар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи бадиёт имкониятларидан биришир, чунончи юкоридаги мисолга зехн солсак лирик қаҳрамоннинг лол бўлиб колишига маъшуканинг «лом»  харфи каби (алфавитнинг шаклан узун харфи эканлигини эсга олинг) икки зулфи ва алифдек тик ва тўғри қомати сабабчи эканлигини айтилаёттир.


Баъзан шоирлар ўз асарларила ишорали истихроjлари хам кўллайдилар. Бунда кўзда тутилаётган предмет номининг ифодасидаги харфлар, айрим ишоралар, ўҳшатишлар орқали ўкувчи ёдига туширилиши диккат марказида туради.

*Отим эрур тишу камондин нишон,
Санга нишон бергуси тишу камон.*

Чунки отым бороур «алиф» бирла «нун»,
Тир камон соригадур раұнамун.
Текстдан билинайтики, ўқ «алиф»га ўштайши, камон эса
«нун»га «н» шаклидадур: алиф нун ёнига күйилса (яйни
мана бу шаклида) Он исеми пайдо бўлади.

«Хусну Ҷіл» достонида талқин кітпинишича, Он
тенгсиз пахлавон. У бир ҳамла билан Фуодни: (дилни) банд
қилиб олади. Демак, пахлавон образи киёфасини-
портретини аник гавдалаштиришда истихроj шоирга
кўмакка келган.

Ондан ўқ ва ёй дарак беради. Камон ва ўкнинг
доимий хизмати эса, жангда аёвсиз куроллик вазафасидир.



Алиф бирла нун камонни
жосыл қилиб турибди.


Классик адабиётимизда риёзий ёки машаккатли
истихроjларни ҳам кўришимиз мумкин. Истихроjнинг
алоҳида бу хилини бундай аталишининг боиси шунцаки,
китобхон ўз онгига чукур мулоҳаза юритиб, автор ҳарфлар
ўйнидан қайси сўзни назарда тутаётганини топмөги лозим.
Бирок, буни муаммо білган зинхор аралаштириб

юбормаслик керак. Масалан, Мухаммад Фузулий ўзининг «Лайли ва Мажнун» достонида кўйидагича байтларни манзур этганки, бу риёзий ёки машақкатли истироjга яхши мисол бўла олади.

Илму хота умрини айлаюб сарф,
Машк этмиши эди ҳамин икки ҳарф.
Бир сафҳада «лом» у «ё» мӯғаррар,
Ёзарди они қиларди азбар.

Демак, Мажнун «Л» ва «Ё» ҳарфларини машқ этар экан, ҳар икки ҳарфни тақрор—тақрор ёзди. Араб ёзувиде «Л» ҳарфи «Ай» ва «И» товушларини ифодалагани учун «Л» ва «Ё» ҳарфлари тақроридан «Лайли» исми келиб чиқали. Кайс ҳат машқ қилади, бу факат бир ташки кўринишдагина шундайдир, у аслиша «Лом» ва «Ё» ҳарфларини ёнма—ён кўйиб тақрортайди холос, яъни йигит Лайлини эслаяпти, қайта—қайта кўнгил маҳбубаси исмини юрак ва коғозда зикр этяпти.

Бу ёзилиш коидасини кўйидагича ифодалаш мумкин.



Лайли

Бу усул билан муаллиф ўз қаҳрамони қалбига ишқ накадар түғён соггани, унинг кўлидан ихтиёрини олиб ҳатто ҳат машкини ҳам ишқ йўлидаги ўрганишларга алмаштирганини бўрттириб бера олган.

«Истихроj» яъни китобат ва тасмия» санъати анъана сифатида кейинги классик шоирларимиз ижодида

кам яққол күзга ташланиб туради. Бунга мисол қылғыб Фуркат, Мукимий, Увайсий ва Авазларни күрсатишимиз мумкин. Күйіда Увайсий ғазалтаридан намуналар келтирамиз.

Күз тасаодуқдор сенинг хүршид тальят хүснингга,

Кадду долим ҳам тасаодуқ чун алиф рафторингга.

Сенинг гүзәл хүснингни күриб күзларим хайратланади, ҳатто сенинг түғри алифдек қоматингни күриб долдек қаддим ҳам тасаддуклар айтади.

Васлинг уммидида нүн бүлди фироқинг юқидин,

Бўлмади таъсири ҳеч бу қади долимни сенга.

Сенга етишиш, учрашиш уммидида узок айрилик юқидин нүн ⚡ холатига келиб колдим, чунки, қаддимнинг долдек ⚡, эгалиши ҳам сенга таъсири кўрсата олмади. Аваз Үтар асарларидан ушбу мисоллар ҳам фикримиз далилидир.

Эй Аваз, бало жонга «Айни, шину, Коф» эрди.

«Вову суду лом» ила дафъ ўлди хижронлар.

Эй Аваз ишк жонимга бало эди васл билан хижрон дафъ бўлди. Эски ёзувда «А-айн», «Ш-шин», «К-коф» харфларидан «ишқ», «В-вов», «С-сад», «Л-лом» харфларидан «васл» сўзи ҳам хосил бўлади.

Хаёлимга кетурсан ҳар қачон ул қадди зебони,

«Алиф»дек жон аро асрор кўнгул жон ичра пинҳони.

Ёки:

Жонга ором берур жонда алифдек турушинг.

Кўнглим оромин олур руҳи равондек юришинг.

Шоир бу юкорида келтирилган икови мисолда ҳам маҳбубанинг алифдек гўзал қадду коматини жон ичра туриб жонга ором беришни тасвиrlамоқчи чунки араб ёзувидаги жон сўзи куйлагича ёзилади (⚡).

Шоир Фуркатнинг ушбу байтларига назар ташласак «Мажоз», истиора, китобат ва диалог санъатини маҳорат билан қўлланганлигини яққол сезамиз:

Айтди: «Эй жон оғати, зулфиннга бўлмишман асир»,

Айтди: «Бу савдои кўй, умринг ўтар занжирда!»

«Нуқта лаб устида бажодур», дедим айди кулиб,

«Саҳв қылмиси котиби қудрат, магар таҳрирда»

Бу байтларнинг иккинчисида ёр лабида ҳол борлигини англатмоқчи бўлиб уни нуктага ўхшамоқда. Шу мақсадда

араб алифбосидаги «лаб» сўзининг ёзишидан фойдаланиб сўз ўйини ясайди. Шоир ёрга хитобон «лаб» сўзида нукта (хол) пастга бўлғувчи эди, сенинг лабингда нуктанинг лаб устида туришини бежодур деб ҳазил киласди. Ёри эса ўз жавобида ундан ҳам шўхрот жавобни, мазмунни ифода этади: «Таҳрир вактида котиб ҳато (саҳв) килиб: Нуктани (холни) пастга эмас юқорига кўйиб юборган», – дейди.

Айрим холларда «китобат ва тасмия» санъатини хуруфи далолат, яъни исботловчи ҳарфлар ҳам дейдилар.

Кўп санъат усталари баъзан ўзларининг чукур мuloҳазалари турмуш сабокларини хуруфи далолат ёрдамила акс эттиришни маъкул кўрганлар:

*Гар алифдек тўғри бўлсанг, бол ичинда тут мақом,
Ломалифдек эгри бўлсанг, бўл бало бирла мудом*

(Хожа).

«Бол» сўзи эски ўзбек ёзувида  шаклида ёзилади (бе, алиф ва лом ҳарфлари). Бинобарин, унинг ўртасидаги –алиф гўё «бол» ичидан тургандек. «Бало» () сўзида ҳам худди ўша ҳарфлар, бирок бошқача тартибда, –алиф –ломдан кейин; ломнинг эгрилиги туфайли алиф ҳам эглиб кўринади. Бунда гўё –ломалиф эгрилитидан балога гирифтор бўлганлек туюлади.

Баъзан шоирлар бутун бир шеърни шу санъат асосида яратишга ҳам ҳаракат килганлар. Хуруфи хижо санъати билан алоҳида шеърлар–газаллар; мухаммаслар, мусаддаслар яратган шоирларга (Имодиддин Насими, Фойибий, Бобораҳим Машраб, Хожиниёз (Зевар), Узлат кабиллар)ни кўрсатиш мумкин.

*Мушкин қошингнинг ҳайъати ул чаими жаллод устинага
Қотлим учун нас келтириур нун элтибон сод устинага*

(Оғаҳий)

Махбубанинг мушкин қошини нунга ва жаллодек кўзини содга ўхшатиш воситасида автор шундай фикрга келади: тасвирланган ҳолат ошикнинг қатли учун шикоят қабул килинмайдиган қатъий ҳукм демакдир. Гап шундаки юқорида тилга олинган ҳарфлар:  –нун ва  –сад бирлаштирилса, аниқ мазнун–ҳукм, қатъий ҳукм маъносидаги «нас» сўзи ҳосил бўлади. Демак, маъшука сиймосидаги гўзаллик белгилари ошик учун фожианинг сабабчисидир. Хуруфи далолатни қўллашнинг кенг

тарқалған күринищларидан яна бир —унинг ёрдамица
муболағага замин туғедириш ва тасвирланаётган сиймонинг
гўзалигини ёркинлаштиришдир.

*Кўзи айн, андин ёй акси, оғзи мим эрур
Кошлиари ул нуна бензарким, наим устинадаур.*
(Адо).

Махбубанинг кўзини —айнга (арабчада кўзни
«айн» ҳам дейдилар), бурнини —ёга, оғзини —
мимга (— нинг кўзина) ва кошини —нунга ўхшатиб
шоир ўз севгилисинг коши, кўзи, бурни ва оғзининг
ўрнашиши тартибига асосан —«наим» (жаннат) сўзини
хосил килади.

Албатта бу усула шеърлар ёзган шоирлар номлари
зикр китинган муаллифлардангина эмас. Зеро бу санъатнинг
бадиий ижод арсенатига кириши анча қадимий ва унинг
бошқа хилма-хил намуналари яратилган деб фараз килиш
мумкин.

Бу мураккаб аммо санъаткорона тасвир курук сўз
ўйини учун эмас, балки жиддий фикрни ифодалаш учун
ишлатилганилиги ўз-ўзидан аён.

У ўкувчини ўйлашга, Хаёл канотида юксак парвоз
килишга даъват этади. Куйидаги далиллар ҳам шу
фикримизни тасдиқлай олади:
Оғахий байтлари:

*Алифдек қадлари нундек бўлиб ҳам,
Тушуб абруларига шамрадек чин.
Совуқ эл жисмин афгор айламакка
Чиқармии оғзидин дандонам син.*

Яна:

*Лаъли шириниму ёр тутган қора хол остида,
Ё қўюлмии нуқта айларда рақам бол остида.
Тутмишу қотил кўзи остига зулғининг ҳами,
Ё кўрунмиишидир ҳамул жалгоднинг дол остида.*

Яна:

*Жонга ором берур жонда алифдек туришинг,
Кўнглум оромин олур рухи равондек юришинг.*

Яна:

*Калиди ганжи орзу қилиб,
Алиф осо қадим бўлуббур дол (рўза туфайли)*

Убайдулло Аламкаш байти:

Калиди ганжи маъне, ким забондир
Анга бир нуқта кўб бўлса зиёндир.

Яъни: бир нуқта қўшиш туфайли забон сўзи зиёнига айланганидек, беҳуда бир сўз сенинг зиёнинга ишлаши мумкин. Шу хақикатни алоҳида таъкидламок лозимки, ўзбек мумтоз ашабиётида харф-китобат санъатига доир энг гузал, энг хайратомуз байту мисралар Ҳазрат Навоий асарларида учрайди. У хатто «Ҳазойин ул-маоний» девонлариға киритилган ғазалларини ҳам китобат санъати асосида жойлаштиришин маъқул кўради: Навоийнинг лирик ва эпик шеърияти катламларида китобат санъатига дахлдор юзлаб байтларни, хатто туюқ, рубоий, китъа шаклидаги алоҳида шеърларни учратамиз:

Жонимðаги жим икки долингга фидо,
Анон суне алиф тоза ишолингга фидо.
«Нун»и даги анбарин хилолиңгга фидо.

Колган икки нуқта икки холингга фидо.

Бу руబонида Навоий жим, алиф, нун – харфларининг шаклига ишора килиб, уларни севгилининг чиройли гажагига, қади-комати, кошларига ҳамда нун харфи нуқталарини эса гўзалниңг иккита холига ўхшатмоқда.

Буюк шоир ғазалнинг мана бу байтида ҳам араб алифбосилаги мим, лом ва син харфлари оркали маъшука портрети, ташки гўзаллиги ва ҳадди-харакатларига доир жозибали лавҳа акс эттирилгандир:

Тараарда уқðалик зулғин мусаллас айлади чинлар,
Чирих «мим», икки зулғи икки «лом», ийнак тарог «син»лар.

Шунинг учун ҳам Навоий замони ва ундан кейин яшаб ижод эттан барча шоирлар бу буюк сўз устаси, шеърият султонининг тажрибалидан илҳом оғлилар. Хатто китобат-мувашшах санъатини кўллаб Навоийга таъзим-эхтиром бажо келтирдилар. Масалан, 1824-1825 йилларда ҳам шоир, ҳам ҳаттот Мұхаммад Раҳимхўжа Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайдир» достонини кўчириб, ўзи ҳам шеър ёза олиш кобилиятига эга бўлганлиги учун амалга оширган хайрли меҳнати ва Ҷавоийшек буюк сиймо хурмати шаънида Навоий исмлари чикувчи маснавий шеърни ҳам келтираши. У шеър таркибишаги тўртта байтдаги «нун», «вов», «алиф» ва «ёй» харфлари бирикмасидан «Навоий» таҳаллуси чикади:

Булбули хушнаво Навоийдур,

Комиту бесафу Навоийдур.
 Шеър йўқтурки соридот анга,
 Ишқода кони вожайдот анга.
 «Нун»идан нурлар қилиб зохир,
 Кўнгул олмоқда ҳар бирни мөхир.
 «Вов»и ўқ шеъриятининг вужудиодир,
 Йўқдур ул дикқатининг вукуфидир.
 «Алиф»и шеърларга мавзунлиг,
 Вирди жон, балки аспи жононлик.
 «Ё»и юмғон кўзингни равишан этар,
 Балки холи кўнгулни маҳзан этар...

Китобат санъати насрый асарларда хам кўлланилган. Бунга ўтмишда яратилган диний-дидактик, мажозий-тамсилий жанрдаги асарларда далиллар кўп. Уларда хам асар муаллифиари бу санъатдан бирор бир ахлоқий-маърифий фикрни далиллаш, инфодата эстетик рух бериш мақсадларида фойдаланалашадар. Жумладан ўзбек мұмтоз ашабиётининг нодир намунаси саналмиш «Зарбулмасал»да ажойиб ҳатқ маколлари, тамсиллари, накллари, кочирим сўзлари, ҳазири-мутойиба ва ҳажвига бой лавҳалар ишлатилганлари маълум. Унда Гулханий ўзбек тилининг ниҳоятда бой тигт эканлигини яна бир бор намойиш эттиради. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўз «Мухокамат ул-юнусий» асаридаги итари сурган итмай-назарий карашларини яна бир асар миссончиша исботлайди. Чиндан хам бадний нутқининг жозибадорлиги ва узиға хослиги билан Гулханий «Зарбулмасал»и ўзига ўхшаш бошқа тамсилий асарлардан ажралиб туради. Масалан, Кўркуш за Кулонкир сұлтон сұхбатидаги Кўркушнинг «Фулом» хакида и сўзларини олайлик: «Нечукким айтмиштар: «Кум йигилиб тоси бўлмас, кул йингилиб бош бўлмас». Форси усууда кулни «гулом» дерлар. Ишоратдурким «гулом»ни бошидаги гайн бўйни-даги билан мутассис бойлаб гулдек бўлуб турса керак...»». Бу ҳарфий сўз ўйинида Гулханий сўз бошидаги «гайн» ва сўз ўртасидаги «лом» – гулом сўзини занжирдек боилаб туришига ишора килади.¹

Ёки Кордон тилидан Турумтойга Бозанда ва Навозандаги каби икки қабутарининг саргузаштини ҳикоя қилиш давомида келтирилган ҳарфий сўз ўйинини олайлик. «Сафарга кўп ҳарис кўймаким, анда бир нукта афзунликдин сакар сурати бўлур.

¹ Гулханий. Зарбулмасал, Ўздавнашр, 1958, 65-бет.

Сафарда рафику шафык керакким ҳазрати расулуллоҳ акрам салотлоҳи алайхи васаллем хадису шарифларицурким «Аррафику сулалат-ат тарик».¹ Бунда арабча *سَفَرٌ سَافَرٌ* сүзиғати «.....»га бир нұкта қўшилса *سَاقَارٌ سَقْقَارٌ* сўзига айтаниб жаҳаннам маъносини англатади, яъни йўл азоби, гўр азоби деганиларидек.

«Хуруфи ҳижо» поэтик санъатиша ҳам ҳарф санъатига хос хусусиятлар бор. Айрим ҳолларда мазмунни ойциналаштиричи, муддаони кувватлаш ва таъсирни бадиийлаштириш учун фойдаланадиган бундай усулни хуруфи далолат – исботловчи ҳарфлар ҳам дейдилар.

Ўрта Шарқ ҳалклари адабиётларида хуруфи ҳижо санъати билан алоҳида шеърлар–ғазаллар; мухаммаслар, мусаддаслар яратган шоирларга озарбайжон адабиётидан Имодиддин Насими, ўзбек адабиётидан Боборахим Машраб, Узлат, Увайсий, Махзун ва Салимийларни, туркман адабиётидан Фойибназар Фойибий, коракалпок адабиётидан Хожиниёзни қўсатиш мумкин. Албатта, бу усулда шеърлар ёзган муаллифлардангина иборат эмас. Зоро бу санъатнинг бадиий ижод арсеналига кириши анча қадимий ва унинг бошқа яна хилма–хил намуналари яратилган деб фараз қилиш мумкин. Чунки шеъриятда бу усулнинг ишлатилиши маълум маънода хуруфийлик тариқатининг майдонига келини билан боғлиқдир. Академик Ҳамид Араслининг қайд этишича, хуруфийлик шахар ҳунармандларининг зулмига, бедодликка эътирозини ифода этувчи, горат ва босқинчилек урушларига норозиликни билдирувчи оппозицион оқим сифатида майдонга келган бўлиб, унинг асосчиси табризлик Фазлуллоҳ Наимидир. Насими унинг шогирди бўлган.¹ Хуруфийлар дуалистик таълимотни – материя ва рухни эътироф этадилар, одам шаънини утубугайдилар. Улар дунёдаги ҳамма ашёлар ҳарфлардан яратилган деб ҳисоблайдилар, яъни ҳарфларни – сонларни илоҳийлаштирадилар. Уларча олам иккитадир: бири коинот, иккинчиси инсон. Биринчисида ашёлар, иккинчисида инсон макон топган. Инсонда бутун борлик ўз

¹ Шу асар, 75-бет.

¹ X.Арасли. Имодиддин Насими, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1973, 9–10-бетлар.

аксини топади. Оллоҳ ҳам гўзал инсон юзида тажассум этади. Инсоннинг яратилиш сири сўзда, сўз эса ҳарфлар билан ифода этилади, ҳарфлар эса инсон юзида зуҳр этади. Хуруфийлик тарафдорлари коинотнинг бутун сирларини инсон орқали изохлайдилар. Бу таълимот поэзияда турли шаклларда, жумладан хуруфи хижо усули воситаларида ташвиқ этилди. Унинг дастлабки намуналарини биз Озарбайжон алабиётининг Фазлуллоҳ Насими, Имодиддин Насими, Қосим Анвар каби намояндалари ижодида учратамиз. Ўзбек адабиётининг Насимиға издош бўлган Машраб каби вакиллари ҳам бу таълимотдан хабардор бўлганлар ва ўз салафларига таклидан баъзи шеърларни яратгандар. Шеъриятдаги хуруфи хижо усулида ҳарфлар рамзи, тавсифи орқали инсонга хос гўзалик утуғланган, унинг шаъни мадҳ этилган.

Биз қўйида айрим қаламкашларнинг шу усул билан яратган газал ва мусамматларидан парчалар келтириш билан чекланамиз.

Насими, матлав:

*Алиф-аъло қоматинг ҳар ким кўрур бежон бўлур,
Бе-башорат бўлди ҳар ким дилбари сulton бўлур¹...*

Машраб, матлав:

*Эй алифдек қоматингдин истидо дилди : букун,
Бе балои доги дардинг дилга жо қилдим букун²...*

Кайд этмоқ лозимки, бу усуздаги (биз кўрсатганимиз) шеърларнинг колтан ҳамма намуналаф и мусаммат шағлиса бўлиб, Фойибий, Ҳожиниёз, Узлат ва Салимийтар қаламига мансубдир. «Хуруфи хижо»даги шеър агар газал жанрича яратилган бўлса, ҳарф хижолари ҳар бир мисранинг бошида келади, агар у мусаммат жанрида ёзилган бўлса, ҳар башшаги мисраларнинг баъзан бош кисмида, баъзан бошқа ўринларида, баъзан эса ҳар банднинг биринчи мисрасининг факат аввалида келади.

Мисоллар:

Фойибий:

Эй «элинг», озурда қонлум элды бир аяр учач,

¹ Ҳ.Арасли. Имадиддин Насими, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1973, 67-68-бетлар.

² Девони Машраб. ЎзФАШИ фонди, инв.3917, варап 192-193-а.

«Бе» билимни болгарамы, элбетде, сыйкым бар учин,
«Те» тахаммыыл эйлегил ал-сахыбы эсрап учин,
«Се» субут кыл женните, мен ыйгларам жепбар учин,
«Жим» жемадық қыл мүшерреф мен киби начар учин.³

Хожиниёз:

Ай – эликим, ақ юзиңдур айни элэм энуарий,
Бе – белиндүр кипши дылбар козганаң шахло углий,
Те – тишиңдүр дана-дана леблеринчен полларий,
Се – сорын шириң лбен янафурман эй парий,
Жим – жемалың кормегене зари зидарий...⁴

Узлатнинг асари туркий «чантый»да ва унинг вазнича ёзилган:

Эй алифдек қоматынг сарви чаман ёр-ёр,
Холи лабинг кунжида мушки Хұтан ёр-ёр,
Күнгүм аро киртигинг бүлди тикан ёр-ёр,
Хажринг аро тортамен дарду михан ёр-ёр,
Мунча мени құймагыл фурқат аро ёр-ёр...

Бу .мухаммас бир канча баштардан иборат бўлиб, араб алифбосидаги хамма ҳарфларга бандтар битилган.

Салимий:

«Алиф»дек қоматым сарв эрди умрим жүйборида,
Буккылди, «бе» каби тушиби қарислик раҳгузорида,
Таним «те» дек тавоно эрди айёми баҳорида,
Саноу ҳамд этаркым «се» каби тасбих торида,
Ким эмди «жим» каби жисим үйқылмокдор мазорида.
Хаётим «хе» каби ҳайрат майи бирла бўлтурдур маст,
Хаёлим «хе» дайнин хобу хаёл бирла бўлиб побаст.
Дигим дарду аlam бирла мисоли «дол» дек сарбаси,
Захаб истаб, заҳоба учрадим зикрин этиб сарбаси,
Риёни шайхнинг жағр арасидек «ре» қаторида..
Замон келдиким «зе» зулфи хўблардек паришондор,
Саломатликни иста «син»ни кўр бу йўлда ҳайрондор,
Шаҳодат «цин» берур гулгунчалир бағри ҳамма қондор,
Кўнгул берманг санамларгаки «сад»и сабри арzonдор,
Ки зоеъ ўтди умрим «зод» чиғлиз наффаҳоридаю
Табоев толеъи хумдор саодат бўлса ҳар кимга,

³ Гайыбы. Сайланан эсерлар, «Туркманистан» нашриети, Ашгабад, 1965, 177-178-бетлар.

⁴ Эжинияз. Танламалы шыгармалары, Нокис, 1965 148-бет.

¹ Ўзбек арабиёти, %-том, 1-китоб, 1966, 257-261-бетлар.

Зарофат жерфини истар индяят бўлса ҳар кимга,
Ибодат «айн» ини тутған ҳидоят бўлса ҳар кимга,
Гарифнинг «гайн»ига бокгай шарофат бўлса ҳар кимга,
Фароғат истасанг турғаш фано филюҳ горида
Карилук етди «қад»и курбата қулди қариб эмди,
Камоли умрга комил бўлгомоқдур насиб эмди,
Лаболаб лаългун майни ичирса ул лабиб эмди,
Маломат гарчи чекдим, меҳру моҳимга етиб эмди,
Надоматнар қўлтурман ўтган умрим шармисорида.

Бийоб иста бу умри бебафодан зор, эй кўнгул,
Хаво кибри кўлма юракка ёр, эй кўнгул,
Букилои «ломалиф» дек қоматинг начор, эй кўнгул,
Бўлибсан «ё» каби ҳам қўлма қарудор, эй кўнгул.

¹ Маддә «стандарт» «сокин»нинг Салимийджур қаторида.
XIX асрнинг II—ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод
этган Юсуф Сарёмийнинг байсли кўйишаги шеърида ҳар
бир байт таркибида битта арабий ҳарф келтириб, уни
рамзий маъноларини шархлаб беш ҳарфдан «Ислом»
сўзини вужудга келтирган. Матн:

Кел, эй ойламай ҳаргиз тизойтъ авқот,
Умидинг ўлса сани ҳак, қописа фавзи најот,
Асоси манбаи ислом келди бери адад.
«Алиф»ки аввалидур, билки ташниба қалим
Йижинчи «Син»и етургай сани силоматга,
Бўлурга ноил ўлуб, бўлди санга фарз саҷон.
Учинчи «Лом» ўттиш кун, бир ой рўзани фарз,
Чу қулди ҳазрати Ҳақ бандасига бори ҳаёт
«Алиф» бинойи чорум қалмиш бўлса гани,
Ба амри шаръ эртур айламас адои закот.
Бешинчи «мим» ила ислому дин топти камол,
Ки фарзи ҳажжи Ҳарам бўлса роҳ бе оғат²

¹ «Гулистон», 1972, №5, 23-бет.

² Девони Мавлавий Юсуф Сарёмий. ЎзФАШИ фонди, И nv.№ 113

МУСАЖКАЙ САНЬЯТИ

Мусажжакъ усулида яратылган газаллар «чорбахра», «чорпора», «ички кофияти Газаллар деб хам аталацى. Чунки бундай газалларда байтлар сажтар уйғунлугига асосланган тенг бўлакларга ажратилади ҳамда асосий кофиялардан тащқари ички кофиялар хам ишлатилади.

Поэзияда масажжакъ кофия усулини қўллаш қадимий айъанага эгадир. Поэтикама оид асарлар битган ўтмиш мутахассисларининг ёзишича, бу санъат бадиёт илмида «тасмит» деб хам юритилган. Атаулло Ҳусайнин мусажжакъ санъати тарьифи Рашиддин Ватвот асарларида учрашини маътум килиб, «бунда шоир бир байтни бир-бирига тенг тўрт кисмга бўлинишини, ҳар уч кисмнинг охирини сажъ билан тугалпанишини, сўнгти тўргинчи кисмда асосий кофия келтирилиши, шу санъат мусажжакъ деб хам юритилишини уктириб ўтади.¹

И.Ю.Крачковский хам шеърда мусажжакъ (тасмит) санъатини ишлатиш араб поэзгасида мувашшах ва зажал (IX аср) турлари пайдо бўлмай илгари ҳам мавжуд эди, деган фикри билдиради.²

Адабиётшунослик терминлари ҳакида баҳс этувчи асарлардан «Фарҳанги истилоҳоти адабиётшуноси»да чорбахрага шушай тарьиф берилади: Чорбахра сажъли байти бўлган шеърдир. Унша ҳар байт тўрт кисмга бўлиниб, уч кисми сажъ, тўргинчиси асосий кофия бўлади: (Чорбахра – шеъре ки сажъи байт дорад, яъне ҳар байт ба чор пора таслим шуда аст ва се пора ин он сажъ дошта, дар пора чорум кофияни асоси меояд). «Адабиётшунослик терминлари лугати»да эса чорбахрани ички кофия деб изоҳланади ва Бобурнинг матъядан кейинги барча ички кофияга эга бўлган газали келтирилади.³

Бирок, қайд килиш лозимки, ички кофияларнинг тури кўп. Унинг чорбахралар сингари тўрг кисмга бўлиниши шарт эмас. Ички кофиялар байзан тўрг, уч, байзан икки кисмга ҳам бўлиниб, асосий кофия билан кофиядош бўлиб кела олади.

¹ Атаулло Ҳусайний, Бадоеъус саноатъ, нашриёти «Ирфон», Душанбе, 1972, сах.48.

² И.Ю.Крачковский. Бран.соч. Том 2, Изд.АН СССР, М., Л., 1956, стр.261.

³ Адабиётшунослик терминлари лугати. Т., 1967, 70-71 бетлар.

Демак, ички кофияга эга бўлган ҳар кандай шеър ҳам ғазали мусажжаб бўлавермайди. Мусажжаб санъатида Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари прозаси ва халқ оғзаки ижодида кенг қўлланнилиб келинган сажъ усулининг роли каттадир. Унинг ёзма поэзияда шаклланиши ва инкишофт топишида ҳам шу замин мухим роль ўйнаган. Ташкотчиларнинг тўғри қайд килишларича, мусажжаб санъати ғазал жанрини ҳаљ, оғзаки ижоди чашмалари асосида ривожлантириш, халқ поэзиясига яқинлаштириш, унлаги мусиқийликни халқ куйларига мос тарзда яна саіқаллаштириши истаклари натижасида тараккий этган. Мусажжаб санъати шеъриятнинг ҳамма тур ва жанрларида қўлланилиб келинган. Биз бу ўринча асосий эътиборни унинг ғазалларда қўлланилишига каратдик. Мусажжабнинг бу жанрда қўлланилиши ғазалнавислик тараккүтигининг шаклланган боскичи, у ёки бу шоир маҳоратининг камолотга эришган даври маҳсулидир. У шоирдан поэтикага доир конун-коидаларни, кофия бойликларини яхши билишни, чукур маҳоратни талаб килади. Ижодкор була асосий кофиялардан ташқари, ички кофияларни ҳам мусажжаб усулида маҳорат билан фойдаланиб, ун шеърдаги поэтик ҳазмунни очишга, ритмик холатларни кучайтиришга йўналтира билиши керак. Чунки унлаги ички кофиялар асосий кофиялардан оддин келиб, ҳар бир мисрани икки бўлакка ажратди, натижада оханг темпи кучайиб, ритмик пауза хосил бўлиб, шеърни мусиқийлик ортади, ғазал куйлашга ниҳоятда мос бўлиб колади. Шунинг учун унинг ўзбек адабиётидаги намунари ҳам асосан атокли шоирлар, устоз қаламкашлар ижодида яратилгандир. Гарчанд мусажжаб санъати билан зийнатланган байтлар, бандлар кўп шеърларда учраса ҳам, лекин бутун бир ғазал ёки мусамматда бу санҳатни тўлиқ ишлатиш, шеърнинг кариб ҳамма байти (ғазалда ёки мусамматбандида) мусажжабга мурожаат этиш Сайфи Саройи, Лугфий, навоий, бобур, Машраб, Мунис, Фонийбий, Роким, Нодира, Увайсий, Шавкий, Оғахий, Муқимий, Фурқат, Завкий каби шоирларимиз ижодида учрайши.

Ғазалларда мусажжаб кофия усулининг уч хил тури бор:

1. Ғазалдаги иккинчи ва ундан кейинги ҳамма байтларда ички кофиялар бўлади. Унинг кофияланиши схемаси қўйидагича: биринчи байти *aa*; иккинчи байти *bbba* ва хоказо.

Айникса, Алишер Навоий бу санъатда юксак маҳорат кўрсата олган. Мусажжаб санъати бобидаги баланд иктидор Навоий ғазаллари поэтикасининг мухим фазилатларидан биридир.

Захиридин Бобур Навоий ғазалтарына мәрхүм бүштің мұсажжылъ
ғазалтарға юксак баҳо берған: «Бу вазда (тын қалас) мұсажжы
ғазал кам айтубдурлар. Мир Алишер Навоий бир неча ғазал
айтибдур, үт жүмілшин... бу ғазал таңриңи вөкіль бүлдүбтүр».¹ -
дейді Бобур за күйндегі мұсажжылъ ғазални көлтираши:

Не дүливаидур үл қотилки, қоң түкмаккадур яқса,
Киё бокмоқлари - пеки шиик мужгонлари - ништар.
Юзидин ким қоқылдир гүл наришон жар тараф коқул.
Сочин гүл барг уза сунбул түкүб көфүр уза сибар.
Чу латы асбобини түздө, саломат риитасин узоң,
Қамардек хола күргүзді, узори дәврида чаңбар.
Либоси нози часпондур, гаҳи туз қадын чавкондур,
Замони ғүйи галтондур, зихи чобук, зихи өнілдар.
Жұнун шымын қалтур равишін, күнгүлга телбастықдур фан,
Паридек бұлғали парранда үл шүхи пари пайқар.

Ғазал мұсажжылъның бу үсүшінде коғылғанған намуналари
Сайфи Саройи, Алишер Навоий, бобур ва бошқа номлари
юкеріші зикр этилған шоирларымыз ишкіндеңде учраб турады,

Сайфи Саройинең:

Таолалох, зихи сурат зехи маҳбуби рувәсни,
Ким онинг хусни шавәзидан құнегулар бүлди нурони.
Муғаррарх шиваш ділібар, тили тұтын сұзы шакар.
Кийик күнгүл, қамар манзар, малоҳат мұлқас сұлтони.
Күнгүл олур күн оли, фирах берур энги оли.
Бүйідур сарвненге толи, юзи жаннат гулистанни...²

байтлариниң үзинчига оғын хамла Алишер Навоийнинг
Хажрине күннің бир шешене, ҳар соатың бир ойчи бил,
Хайрат махаллі бұлмагай үн иккі ой ғар білес бол.
Ул шивагар чун очти юз, көзға назар үйк, тилға сұз,
Ким айқындың боцланғанды күз, хайраттін үл жаңшының тил.
Күрді Навоий жон аро, ғам шуыласи хирмон аро,
Күз мәрдумшыдек жон аро, күргач либосини қызыл³
тарзда бир маромда кетувчи мусиктің ғайтлары шу сәнъат
меваларидір.

Күрінағанда, бундай ғазалтарна әдәтте матташ ишкі
коғылшор бўлмайши, факат мисраларғина ўзаро қоғылшынадилар.

¹ Бобур. Мұхтасар, ЎзБСР «Фан» националы, Т., 1971, 127 бет.

² Сайфи Саройи. Шеврлар. Гулистан, Т., 1968. 14 жет.

³ Алишер Навоий. Хазойин үл-маоний. III том, 370-бет.

Бобурнинг:

Кора зулғинг фифоқида париашон рўзгорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида не сабру, не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди.

Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сурорим бор...

мисралари тарзида давом этучи газали, Шавқийнинг «Айлаб», Завқийнинг «Айлаб келинг» ва «Офарин», Муқимийнинг «Арзимиш айттай», Фурқатининг «Фасли навбахор ўлди» деб бошланувчи шеърларида матъладан кейинги байтларнинг барчасида ички кофия мавжуддир. Демак, газалда мусажжав санъети ишлатишнинг бу усули форс-тожик шеъриятидаги чорбаҳраларга тенг келади.

2. Мусажжав усулидаги газалларнинг иккичи хилида ички кофиялар шеърнинг матлаидан мактантага барча байтларида мукаммал тарзида келади. Унинг кофияланиш схемаси кунишагчадаир:

Биричини байтда: *aaa*; иккичи байтдан бошлаб: *бба, вса...*

Мисол:

Коши ёсишму дейин, кўзи қаросинму дейин,

Кўнглумга ҳар бирининг дарду балосинму дейин?

Кўзи қатуришму дейин, китриги заҳришму дейин,

Бу қудурат ора рухсари сафосинму дейин?...

Ишқ дарбинму дейин, ким ҳажр заҳр ин г дейин?

Бу қатиқ дардолар аро васли давосинму дейин?

Зулғи долинму дейин, латыни қаломинму дейин?

Бирининг қайди яна бирни? адосинму дейин?

Турфа ҳалинму дейин, қадди чиҳолинму дейин?

Мовий кўнгилак уза гулранг қабосинму дейин?

Чарх ранжинму дейин, даҳр шаканжинму дейин?

Жонима ҳар бирининг жаеру жафосинму дейин?

Эй Навои!, дема қошу кўзининг васфини эп.

Коши ёсишму дейин, кўзи қаросинму дейин?¹

3. Ички кофия хамма байтларда иштирок этили. Ҳар бир мисра ўз ичизда икки кисмга парчалашади ва байт башга айтаниб мураббаъга ўхшаб колади. Шунинг учун поэтикала мусаммат газал хам дейилди. Унинг катор намуналари учрайди.

Соқи эрур ишрат чоги афсунда бўлма дай билади,

Ўтдек чогир келтур даги сухбат тунотур май билади.

¹ Ўзбек адабиёти, 2-том, Т., 1959, 68-бет.

Келтур шароди нобни; омади қыл асбобни,
 Хүш тут шаби маңтобни чун бордур ул ой билга.
 Дағронганин барбод қыл, шифрат уйин обод қыл,
 Жону күнгүлни шод қыл, овози чанги най билга.
 Мажлисда бордур сарсабар, май наитъсидан шүрү шар,
 Борини масти беҳабар қыл коми пайдар—пай билга,
 Ҳамдард ёре қониким, бир гамгусоре қониким,
 Айрим баҳори қониким, Бобур киби йиглай билга.¹
 Бобурнинг

Лабинг бағриими қон қылди, күзимдин қон раевон қылди,
 Нега ҳолим ёмон қылди, мен андин бир сүрорим бор...
 матлали ғазали байтларини мусаммати мураббага айлантирсақ:

Лабинг бағриими қон қылди,
 Күзимдин қон равон қылди,
 Нега ҳолим ёмон қылди,
 Мен ондин бир сүрорим бор.
 Жаҳондин менга гам бўлса,
 Улусдин гар алам бўлса,
 Нега гам юз мунча ҳам бўлса,
 Сенингдек гамгусорим бор.—
 тартибидаги шеър пайдо бўлади.

Мукимийнинг куйидаги гўзал ғазали ҳам шунга якин бир
 усууда яратилгандир. Унда факат матлаънинг қофиylаниши
 бошқачарор.

Кўлбам аро қўйди бу дам, юз шукр ул барно қадам,
 Масканчарим айлаб карам, қилди гулестони эрам.
 Жалюд кўзлар қоп-қора, мужгонлари дур сурмасо,
 Қайригла қошлилар гўйиё, ҳунрез шамишири дудам,
 Жоно дедиким, содда рўй, кўпдор гўзаллар тўндоҳх.
 Суҳбатда ширин гуфтингү, олифта сандек шўхи кам.
 Айди кулуб: «Эй нотавон, ҳажримда рангинг зағарон,
 Жавру-жафо қилдим ёмон, маззур тут чекпинг сипам».
 Айдимики, «кулилкка битиб, келган замон ташриф этиб,
 Колди кўнгуллардин кетиб, жар қанчаким раъжу алам».
 Гул-гул ёниб, рухсор очиб, гуфторидин дурлар сочиб,
 Келмас Муқим эмди қочиб, кетти қилиб чун ваҳши ром.²
 Унинг қофия схемаси: аабб ааба

¹ Ўзбек адабиёти, 2-том, Т., 1959, 68-бет.

² Мукимий, Асарлар, икки томлик, I-том, Т., 1960, 129-бет.

Мусажжаб усуни газал формасида биғитган мұваншил, муламмаң шеърларда, шунингдек мустакил мусамматларда хам күлланиши мумкин. Шундай усулда яратылған мусамматларни Роким Хоразмий, толид Толибий девонларица учратамиз.

Роким яратған күйіштеги мустакил мухаммаснинг биринчи бешілгидан кейингиларининг ҳаммаси мусажжаб саньати асосида ёзилған. Мана унинг иккі банди:

*Кім күрді андоқ дилбари, билмам малакдор ё пари,
Мажлүн анга зәл ҳар сари, чун етти гардун манзари,
Сарғаштаси ой күн бари, күз сурмаси хокидари,
Хусн аұларыннан тәжи сари, рухсори меңди ҳовари,
Ноз шла фаттөн күзлари, горатгари ислом эрүр,
Күпдүр пари рухсораи, сендеқ эмас хұнхораси,
Күйенгіда күп овораси, йүқ мен каби бечораси,
Айлаб бошым юз пораси, атфол әлидің хораи,
Холимга қыл наzzораси, десамки эт бір чораи,
Қаҳр шла зәл дилдораси, дерсен ҳәйли хом эрүр.¹*

Бизнинг назаримизда, классик әдабиётта мураббаль формасининг пайдо бўлиши ва шаклланишида ғазалнинг жумлалан уни яратиштаги усуллардан бири хисобланган ички кофияли байтларнинг роли борлиги кўзга ташланади. Ички кофиялар асосида қурилган бундай ғазалларни айниекса чорпора, мусаммат ғазалларни классик ғазал инни шифадаги мұайян янгилек, шаклий такомиши тарзида изоҳлаш мумкін. У поэзияни оригинал бадий усуллардан бири сифагида шеърда ритмик тартибни, оқандошлиқни юзага келтириштега хизмат эттеги. Шунинг учун Захирийдин Бобур Алишер Навоийнинг мусажжаб саньати билан зйнат топған ғазалларни алохода бир ургу билан таърифлайди.

¹ Роким. Девон. Т., 1965, 81-бет.

ТАЖНИС САНЬЯТИ

Маътумки, тажнис (жинесош, ҳамжине) оғзаки ва ёзма адабиётимизда кўп кўлтанилиб келинган бадий санъатлардан биридир. Тадқикотчиларнинг фикрича, ўзбек адабиётиша бу санъатнинг ети тури учрайди. У шеъриятнинг дейрли барча жанрларида бадийликни юзага кетгериши, сўз маъноларининг хигма-хил гавдаланишларини намойиш килини максадида кўлтанилган.

Бу санъат кўлтанилиб шеър ёзилгандга шонирлар шаклан ўхшаш, лекин турли хил маъноларни анлатса олуви сўзлар топиб ишлатасишилар. Туркий тиллар шундай сўзларга хинта бой тилтаришлар. Алишер Навоий илмада биринчилардан бўлиб, ўзининг «Мухокамат ул лугатайн» асариша бу ҳакикатни исботлаб берган. У Хоразмий, Атоий. Лутфий каби истеъодин шонирлар асарларидан кеттирилган байтлар, туюк шеъриар мисолига туркий тиљдаги айрим сўзлар икки ёки уч хитини эмас, балки 5-6 хил маъноларни анлатса одини мумкинлигини ҳам даттилаб, ўз замондошлирини туркий тиљда ҳам ижон килинга чорлаган эди. Навоийнинг ўзи «Ҳамса», «Ҳазойин ул-маоний», ва бошқа туркий асарлари орқали бу ҳакикатни эмалда исбот ҳам килган. Навоий замондошлиари ва ундан сўнг ўтган шонирлар Навоий давватига амал килишиб, тажнис санъати ишлатиган канчадан канча ғазалтар, туюклар, байтлар яратдигар.

Тажнис санъати кўп шакли санъатидир. Унинг тажниси том, тажниси мураккаб, тажниси нокис, тажниси зойиц, тажниси музориъ, тажниси мукаррар ва тажниси хоти каби хитлар бор. Булар ўргасида уларда кўп маъноли сўзлар-тажнислар ишлатитганни утун мунтарак хотатлар ҳам, балки фарқиц ҳам кўзга таштаганб қолади. Умуман тажнис санъати баштади ижодча шонир томонидан шеър байтларидан маъно жихатидан ҳар хил, аммо шакли жихатидан бир хил ёки шакли жихатидан бир-бирiga яхши воғистасига муайян фикр давра ёки гимеозни тасиричан кўчиб ифодатлаш санъатидир.

А.Е.Кримский, А.Н.Самойлович, Е.А.Бертельс,
Х.Зарифов, Б.Валихўжаев, И.Стеблев, Н.Малиев каби туюк
ҳаким маколалар ёзган ёхуд фикрлар айтган машҳур олимлар
тмокнини туркий ҳакклар оғзаки ижодида қадимлан маъжуд
бўлган тўртиклар замониша наийю бўлганни ташкил этишинар.
Бундай тўртикларда туюк жанр сифатида ишлатилмаган

даврларда хам тажнис сүзлар күлланиған. Тажнис сүзлар қозоқ, кирнізларда «айтыспа», крим татарларда «чинч», усмонли туркларда «мани» деб атаптап халк күшіндері, термалариша учраши кайд этилади. Масалан, усмонли туркларда хамда озорбаіжон халк шеъриятта қадымдан көнг тарқалған маниларда

Jinait tastan аша,

Jatnur bastan аша.

Бап қызылары севарім,

Жары белдән аша

Мазмунни: ертүләм сиртдан-ердан наст, ёмнир башка күяди. Мен севған кизларнинг бүйін ярим белден ошади.

Демак, Навоий жуда түри ва аник кайд этганишек туок, унда тажнис сүзларни ишлатып, умуман күймаңында тажнис сүзлар асосан туркій халқлар сүз хазинасына, туркій халқлар адабиётларына хосдир. Бирок, бу дегани башка халқлар тил хазинаси бұңай хусусияттан тамомила холи дегани әмас. Жумтапан, форс-тожик шеъриятта хам тажнис коғияти - шеърлар, бағлар учраши. Проф. Е.А. Бертельс үзининг «Навоий» монографиясына XV-XVI аср башлары шоири Мавлоно Котибийнинг «Дах боб» («Үн боб») достонда тажнисли сүзларни коғия тарзиша ишлаттанини кайд этилди. Бобур хам туокни форс-тожик шеърияттың максалларында ғүз са керәк, иккита фореча туокни тажриба килиб күрган. Бұңай исоллардан яна келтириш мүмкін.

Тажнис, жинос саңыати, шу саңыат асосида мисра, байт, шеър яратып усулы хакида XV аср манбаларыда, хусусан адабиётшунос олим Атоуллох Хусайнининг «Бадойн ус санойиль», Алишер Навоийнинг «Мезон ул авзон», «Мухокамат ул-лугатайн», «Мажолис ун нағоис», Бобурнинг «Рисолан аруз» асарларында назарий мағлумоттар, шархлар, изохлар көттирилді.

Атоуллох Хусайниниң бу хакла ёзасы:

«Тажнис. Ани жинос хам дерлар. Лугатда бирор нарса билан үшшаш бўлмоқтур, жинос эса хамжинс маъносигидур. Исплоҳда – икки ёки андин ортиқ лафзининг нағыу турлари баён этилган кўринишлардин бирида бир-бирига үшшамоғидин иборатдур.

Ул икки нағыдур: лафзий тажнис ва гайри лафзий тажнис. Гарчи бальзи холларда булар кўшилса хам, тубанды маътум бўлурким, ўрни билга бир-биригин айришиб турурлар. Лафзий тажнис лафзларнинг үшшашлигидин иборатдур. Соң, тур ва шакт

жихаттин хамма ҳарфларда ёки аксарида, аларнинг тартиби мувоғиқ бўлмоғи шарты билга...»¹. Олим сунг тажнисинг беш тури: тажниси томм, тажниси нокис, тажниси музаййал, тажниси музориб, тажниси лоҳик борлигини қайш этали ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларини изоҳлаб ўтади.

Алишер Навоий ҳам туюқ жанри қакиша фикр юритиш мунисабати билан «Бириси «туғ»дуркиш, икки байтка мукаррардур ва уй сабй қитулларким, тажнис айтисхонай ва ул вазн рамати мусадаси максурдур, мундоғким (туғ – деб

Ёраб, ул шаҳду шакар ё лабмуудур?

Ё магар шаҳду шакар ёлабмуудур?

Жонима пайваста новак отқоли,

Ганза ўқин қошига ёлабмуудур?

фойлотун фондогун фойлон – мисолини келтиради.²

Бобур ҳам «Аruz рисоласи»да туюғтарца тажнисли сўзларнинг кофия сифагиди ишлатилиши мезончарига тўхталиб: «Туюқ неча навъдур. Бири улқим, уч кофияша тажнис риоят қитуллар... яна бири улқим байтларнинг кофиясида тажнис келтируллар, яна бири улқим, ҳар тўрг кофияша тажнис риоят килинибтур. Нечукким:

Басдин сўз дерга йўқ ёро манга,

Ҳажр аро раҳи айла, кел, ёро манга.

Ўқунг этти кўп ёмон ёро манга,

Марҳами лутфунг била ёро манга.³

Туюқ, унча тажнисли кофияларнинг ишлатилиши хусусиятларнинг замон олимлари ишларища ҳам анчайин мухим фикр-мулоҳазалар байн этілган. Н.Малтаев, Б.Валихўжаев, И.Стеблев, А.Рустамов, Ё.Исхоков, Р.Орзивеков, А.Хокиахмедов, В.Рахмонов яратган асарларда тажнис санъати, уининг туюқлар яратинищаги ўрни масалаларига доир бири иккинчисини тўлдириучи жиҳатлар мавжуд. Биз шулардан ҳам айримларига тўхталиб ўтишни зарур деб биламиз.

Ирик тишишунос, шарқшунос олим, «Бадойи усь санойиъ» асарини фосчадан ўзбек тилига этган Алибек Рустамов ёзди: «Лафзлошликка асосланган санъатлардан бири

¹ Атоулоҳ Хусайнин. Бадойи усь-санойиъ. Тошкент, 1981, 38–44 бетлар.

² Алишер Навоий. Асарлар, Ўн беш томлик, 14-том («Мезон ул авзон»), Тошкент, 1967, 179 бет.

³ Бобур. Аруз рисоласи. Мухгасар, Тошкент, 19...

тажнис ёки жиносdir. «Тажнис» сўзининг лугавий маъноси жинсини, шаклини бир хил килиш, яъни жиндошганитиришилар. «Жинос»нинг лугавий маъноси жинсонитикилар. Бадиъшуносликда эса тажнис ёки жинос деб нутқда икки ва ундан ортик лафзош сўзлан фойдаланига айтпайди... Агар тажнис бирикма лафзошлигига асосланган бўлса, уни тажниси мураккаб деб аталади. Масалан, «ёкиди» билан «ё килди», «ёзамен» билан «ёза мен» мураккаб тажнис хосил килали. Агар тажниснинг ёзитиши бир хил бўлиб, талаффузи хар хил бўлса, «тажниси хат «дейипади, агар талаффуз бир хил бўлиб, ёзитиши хар хил бўлса, тажниси лафз» деб аталади...¹ Кўринадики олим «Бадойи усь салойиъ» асаридаги тажнис ҳәқидаги таърифларни анча аникроқ тушунтириб берган.

В.Рахмононинг «Шеър санъатлари» рисоласи анча ишлари, 1972 йилга чоп этилган асрлардан эди. Унда ҳам тажнис санъатига алоҳида сахифалар ажратилган. Бу ўринда олимнинг куйидаги фикрларини ўринни деб биламиз: «Тажнис шеъриятининг деярли барча жанрларда уз изини көлширган. Ихом ва лутф каби сўз ўйинларининг ҳам юзага келишига тажнис сабаб бўлган. Тажнислар шеър ва мисрадаги иштирокига кўра: тажнисли номалар (буғун бошли), тажнисли ғазаллар, тажнисли китъалар, туюқлар, тажнисли байтлар, тажнисли мисралар, тажнис коғиялар, тажнис қоғиялар, тажнис қайтарик, тажнис тасвирларни юзага келтиради. Айниска, китобхон туюқ деганда дархол тажнисни эслайдилар...².

Тажнислар шеър ва мисралардаги иштирокига кўра: тажнисли номалар, тажнисли ғазаллар, тажнисли китъалар, тажнисли туюқлар, тажнисли фарллар, тажнисли мисралар ва бошқалар вужудга келтиради. Шоирлар шеърда, мисера ёки байтда бир-бирига айнан ўхшац, жиндош сўзларни турли маъноларда кўллашиб чиройли тажнислар яратганлар. Коғия тажниси туркӣ ҳалқларнинг оғзаки азабиётча жуда кадимлан ишлатилиб келган. М.Кошғарий «Девон»идаги шеърларда ҳам тажнис бор.

Келса киши, этма ангар ўрттар кула.

Баққил ангар эзгулун агзин кула.

(Киши келса, унга ўргайдиган кул этма,

¹ Алибек Рустамов. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент, 1979, 36-37-бетлар.

² В.Рахмонов. Шеър санъатлари. Ҳўжанд, 1972, 143-144 бетлар.

Үнга яхшилик кил, кудиб бок).

Бир түрглика «уч» тажниси мақташ», улудаш», «капта» мәйнолариша ишлатылған тигини күрамиз.

Кофия тажниси «Хамса»да ҳам күп учрайди:

Ханжарнинг барқидин ўт чакылиб,

Рахишдаги төзлик ўтқа қилиб

Күнглума құйидинг икхи гам доги,

Демасам ҳам ёмон, десам доги.

«Девон...»даги түргликлардан айримларининг кофиялариша ҳам тажнис күлпаш холатлари учрайди. Тажнисти кофия эса халқ шеърияты-күшікларининг қадимий шактлариңан бири бўлган. Бу ҳам хижода битилған туоклар қадимги халқ шеъриятида бўлған тигидан далолат беради. Бу девонтарни халқ оғзаки шеърияти ва нақлтарининг кейинги асрларда яратилган намуналари ҳам тасдиклайди.

Тажнис халқ оғзаки ижодида ҳам башнияткни юзага келтириш омиллариңан бири бўлиб келган. Масалан:

Кўлингдан келгинча чиқар яхши от,

Яхшилик қыл болам, ёмонликни от.

Насиҳатим ёд қалиб ол, ёлгизим,

Ёлгиз юрса донг чиқармас яхши от.

Биринчи мисрада «от « сўзи ном чиқариш, иккинчи мисрада «улоктирмоқ» (буйруқ феъли) ва тўргинчи мисрада «от» (хайрон) мәйнолариша ишлатылған.

Хоёлингни сен бўлмагин, (иккиланма)

Кетдим деб хафа бўлмагин, (хафа бўлма)

Колсам деб умид қыммагин.

Оғир бўл, енгил бўлмагин (енгилтактик)

Халқ нақлари ҳам бор:

Уним йўқ, буним йўқ, (у ёки бу нарсам йўқ)

Ешишга уним йўқ (буғдој ули)

Дод дейшишга уним йўқ (овоз, фарёд килиш)

Дод дейшишдан уним йўқ (фойдаси йўқ)

Балий адабиётда бу санъат билан жило тоғлан шеър намуналари жуда күп бўлғанлиги сабабли, ўтмишдаги ва ҳозирги замондаги поэтикага онц асарларда, шеърий жанрлардан туокни талқиқ қилишга бағишинган асарларда анчагина фикрлар баён килинган.

Ўзбек лирикасидаги тажнисти ғазалларининг бир катор гўзат намуналари яратилған. Айниқса, бундай шеър турларини

ижад этиш Сайфи Саройи ва унинг адабий мұхитида янча кенг ижиз оттантегини кайд килиб ўтмоқ лозим.

XIV аср шоирларидан Аҳмад Ҳожа Ас-Саройи ва унинг ғазали вазни ҳамда кофиясида Сайфи Саройи биттган ғазаллар тажнисли ғазалларнинг ҳозирча ўзбек адабиётидаги илк намуналаридандир.

Аҳмад Ҳожа Ас-Саройининг ғазали:

Дилбарииминч ул садафдек оғзида дур бор эрур,
Лаълининг шавқинда тун-кун дийдалар дурбор эрур.
Зулфи сунбул тек бўйи сарв, энглари гулзор эрур,
Юзини кўрмакка бирдам булбулу гул зор эрур.
Жон олиб хуснин сотар, бу не ажаб бозор эрур,
Ё магір ошикларинга ноз этиб, безор эрур.
Равза янглиг ҳусн богинда яногй нор эрур,
Хажрию шиҳи кўнгулларни ёқарга нор эрур.
Банди Аҳмаднибек тобугинда хуши асрар эрур,
Ким анинг шеърий сўзлари асрор эрур.¹

Омоним-жиндош сўзлар ва турли бирикмалар воситаси билан тузал сўз ўйинлари, тажнисли кофиялар яратиш Атойи ғазалларида ҳам учрайди. Унинг куйидаги ажойиб шеъри тажнисли ғазалининг ўзига хос, оригинал намуналаридан биридир. Шеърда шоир тажнис том, тажниси нокис, тажниси мураккаб каби тажнис усусларидан ҳам кофия, ҳам радифларда ўсталик билан фойдаланади:

Десангким: «Жон силар қылғаш, Отойим!»
Турубмен уш муноқ, ўлдур, от, ойим!
Кулингмен соқласанг жоним боринча,
Агар соқломасанг, сен бил, сот ойим!
Неча сархуш эсанг, хуснинг майидин,
Вафо коми майиндин ҳам тот ойим!
Балосиздир бу беш кун умри фони,
Боқойин ой юзунгга бот-бот, ойим!
Фалактин ўткарурман меҳринг ўқин,
Десангким: «Койдасан, аё, Отойим!»²

Атойининг:

¹ Ўзбек адабиёти. %-том, 2-китоб, Т., 1966, 27-бет.

² Атойи. Танланган асарлар, Тошкеңт, 1958, сах.9.

Гардундин ўтар нолайи узорим кечаларда,
Билсам нетай ўлмоҳ узорим кечаларда.¹

Фазалида ҳам «кечаларда» радифли тажнисли сўз сифатида ишлатилган ва у фазал охиригача бир неча маъноларда келади.

Атойининг самарқандлик замондоши, Газалнавис ва қасиданавис шоир Саккокийнинг мана бу фазали ҳам тажнис ва сўз ўйинларига бойдир. Унда «ёқа келди» қофия ва радифи тажнис сифатида ҳам байтнинг жуфт мисраларида тақоррланади ва фазал байтларида равишдош формаси – ёқмок, бир кимсага ёқмок, бирор нарсани ёқмок – бўямоқ ва х. Маноъларда кўлланилади:

Гар ҳажринг ўти жону жигарга ёқа келди,
Жонимга не хуши шарбати васлинг ёқа келди.
Ҳажр ўти неча мажруҳ этиб бузди жигарни,
Васлинг бу иашро марҳамини хуши ёқа келди.
Девона бикин тишилаб эмас югра юрурда,
Жон пора қылтур ҳолда элимга ёқа келди.
Дарё бўлиб олимда кўзум ёши ҳамиша,
Сайёд мангизлик менинг ўрнум ёқа келди.
Зулфунгни қачон солдинг ўшул ол янгоқ узра,
Жонимга менинг исла ул ўтни ёқа келди.
Девона дединг менинг зулфунг санга занжир,
Ошиклара мавзукни мунунгтек ёқа келди.
Девона бу Саккокиу зулфунг анга занжир,
Хинду чумакис фил бошига чун қоқа келди.²

Тажнисли газаллар битиц анъаналарининг Навоий замондошлари ва XVI аср ўзбек адабиётида ҳам давом этганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Алишер Навоий ва «Мажолис – ул нафоис»ида шундай шеърлардан бир нечтасини зикр этади: «Мавлоно Муҳаммад Амин – Балхданцур ... «Дилбарим» лафзин етти тажнис била айтиб, ул фазални Бобир Мирзо тобутида келтурди, мустаҳzan тушуб бу байтниким:

Эй сияҳ, чами Хитой мурғи онро бо ту унс,
Без сияҳ чашибони дигар ҳамчу оху дилбарам –
Ёд тутиб Мирзо ўқур эрди. Мавлоно бу иштин боғоят мухоби эрди.³

¹ Атойи. Ташланган асарлар. Тошкент, 1958, сах. 9.

² Саккокий. Тошкент, 1968, 57-бет.

³ Алишер Навоий, Асарлар, 12 том, Т., 1966, 40-бет.

XVI асрнинг жикоянавис ва лирик шоири Ходанинг куйишаги газали тажнисли сўзлардан иборат радифлар асосига курилган бўлиб, «кечалар», «кечадир» сўзлари жинос санъати сифатида мисраларда бир неча маъноларни ифодалаб келган. Шу усул билан шоир ўз санъаткорлик маҳоратини намойиш эттириб, дунёвий севгини, висолнинг завки-шавкини, ошиқ тортаётган алам-изтиробларни жозибали тарзда ифодалашга мувофиқ бўлади. Шеърда тажнисли сўз «кечмок», «ўтмок», «кеча-тун» кўнгулнинг ғашлиги, коронгуллиги, нола-афон тортиш каби маъноларда кўлланилган.

Кундуз авқотим санинг ҳажрингла нолон кечадур,

Кечалар зулфинг каби холим паришин кечадур.

Анбарийн зулфинг ҳаёлимдан кўзумга эй пари,

Йилу ою соату кун бори яксон кечадур.

Улки жондин кечадур шамыц висолингни кўруб,

Вах на хуи вақти, на хуш соат, на осон кечадур,

Хожа янглиг нола қил зулфи гамидин кечалар,

Ким маҳали нолаю фарёду афгон кечадур.

Тажнисли сўзлар, айникса туокларда, шунингдек фардбайт шеърларда кенг кўлланилган. Умуман туокдаги кофияларда кўтмаъноли сўзларни ишлатиш, тажнис сўзларнинг маъно оттенкалари ҳамда эстетик гўзалликларидан фойдаланиш унинг жанр белгиларидан биридир.

Огаҳийнинг «туш» сўзи тажнисли кофия сифатида ишлатилган мана бу туоги ҳам бў санъатнинг намуналаридандир:

Бўлди чун умринг кунининг вақти туш,

Нафси саргашт отиши кўп чопма, туш.

Хобгоҳ этгил қаноат манзилин,

Йўқса ҳаргиз кўрмагингдир рост туш.

Биринчи мисрадаги «туш» куннинг туш пайтини, киши умрининг ўртасини, иккинчи отдан туш – ёшингни ўйлаб иш қил, инсофга кел, учинчи уйкуда туш жўрмок маъноларила ишлатилгандир.

Дарвоқе «туш» сўзини кофияларда ишлатиб, XVI аср шоири Убайдий ҳам туок яратган. Лекин унинг туогида «туш» тамомила бошқача маъноларда кўлланилди:

Кирсанг, эй жону жаҳоним тушгасен,

Лутф этиб кўнглум уйига тушгасен.

Келайн дединг тонг отқач келмадинг,

Бу даги хуитуркен, келсанг тушгасен.

Тажнис санъати билан сайқал топган мисра, байтлар эса ўзбек мумтоз адабиётининг хар бир истеъодли вакили ижодида учрайди. Тажнис санъатига поэтик мақсад учун мурожаат этмаган шоир деярли йўқ деса бўлади ва уларнинг хар бирининг бу санъатдаги маоратига баҳо бериш муҳим вазифа гарданцир. Масалан, Хоразмий «Мухаббатнома»сида келтирилган:

Бўйинг сарву санубартек бе шинг қил,

Вафо қилган кишиларга вафо қил –

байтидаги биринчи «қил» – соч қили, чиккинчиси – бақар маъноларини англатиб келади.

Ёки Мавлоно Лутфийнинг:

Улкам кўнгул олди зулфи холи,

Кўнглудин эмас ҳаёли холи –

байтидаги кофиядош «холи» сўзлари шаклан бир хил бўлса-да, лекин икки хил маънони ифодалаб келган: биринчи мисрада маҳбуба юзидағи холни билдиурса, иккинчи мисрада «холи эмас» иборасидаги маънони англатади.

Бундай датитларни истаганча келтириш мумкин. Биргина Лутфий ёхуд Навоий лирикаси таркибидаги тажнис мисра ва байтларнинг гўзал жиҳолари бадииятишуносларга, тиљшунос, услубшунос олимларга ҳайратомуз материаллар ҳаша эта олади. Шуни хисобга олиб биз бундан бўён кейинги асрлар ўзбек шоирлари асарларида бу санъатта алоқадор ўринилар хусусида фикр юритиш билан чегараланамиз.

Бухоронинг Кумушкент деган манзилида таваллуд топиб, замонасининг пешкацам сохиби қаламларидан бири сифатида танилган Мужрим-Обиднинг мана бу байтида, унинг иккинчи мисрасининг ўзидаёқ «ёра» сўзи уч хил маънода – юрагинда ишқ дарди, яраси бўлса ёрга борсанг ёриб бор... кўлтанилган:

Ишқ беморига Мужримдур табиблар ношлож,

Ёра бор бўлса юракда ёра борсанг ёра бор.

Шундай байтлар XVII асрнинг ориф шоири Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин» маснавийсида айниқса кўп учрайди.

А.Хожнаҳмедовнинг «Шеърий санъатлар ва мумтоз кофия» рисоласида «тажниси мукаррар» сарлавҳаси остида бир хил шаклга эга бўлган, лекин турли маъноларни ифодаловчи икки сўзниң мисра охирида ёнма-ён келини назарда туттиувчи тажнис шакли ҳақиша шарҳлар берилб, Навоийнинг

Халқа-халқа бўйнума солмиш таъсди зулғани,

Жүрми шиқымга магар җүкмәйлади дайындор дор.

байти кептириләши. Бунда «цилдор», «дор» сүзләри ёнма-ең келиб, хар иккиси иккى хил маънени ифодалаб келган. Шундай тақрорланувчи тажнислар Огахий шеъриятида ҳам учрар экан:

Дайыр аро то тутди соқиши фараҳ фаржом жом,

Бүлди бетоқат күнгүлгү бејжоту ором ром.

Юз карамдиндур шиорат ёрнинг ҳар сүкмаки,

Гафлат ахли билмайш қўймии анга дашином ном.

Жон қушига йўқтурур бўлмоқ ҳалос имконишим,

Зулфидин мундоқхи қурмии ул кўзи бодом дом.¹

Шу тартибда давом этувчи ғазалтаги барча кофиядош мисралар мукаррар тажнис ҳосил китувчи сўзлардан иборатdir:

Шундай тажнисли ғазал Шавкий Каттакўрғоний ҳамда Мирийлар девонида ҳам учрайди. Шавкийнинг тасаввуфий мазмунцаги бир ғазали бошидан охиритача шундай санъат асосиша яратилган:

Дайыр пиридин сумургач бодаи гулфом фом,

Даҳр айши кўнглумга ёқмас, олурммен ком ком,

Бошим узра уйришиб гам сарсари мен телбадин,

Ишқ дашитида, қўюндеқ айлади ором ром.

Айлагай деб тупрогимдин чиқди ҳасрат гуллари,

Шояд ўтган чогда ул хуришиди май ошом шом.²

Мирий ғазали ҳам худди шундай..

Ёди патлинг бирладур кўнглумда айши жом жом,

Боги шавқидинги шамимидин эрур ноком ком...³

матлаъли ғазалнинг ҳамма байтлариша шу хусусият давом этади. Қайд этиш лозимки, юқоридаги наманаlardан мукаррар тажнисларни зулкофиятайн усули билан байтлар яратишга ўхаша томонлари йўқ эмас. Чунки бу усула ҳам хар бир кофиядош мисрада иккитадан қофия бўлмогига эътибор берилади.

Мирийнинг бошқа қатор байтларида эса бу санъатнинг хитмада ҳил шаклий кўринишларига дуч келамиз.

Оллоҳ-оллоҳ кеча шаҳноз ила шаҳ ноз этгач,

Шоҳларга етишиур ташни шаҳнозлигим.

Шоҳбозе кеча сайд айлади кўнгул қушини,

Мунга ожизлиг ила турфа бу шаҳбозлигим.

¹ А.Хожиахмедов. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия, Тошкент, 1998, 73-бет.

² Шавкий. Шеърлар, тошкент, 1964, 26-бет.

³ Мирий. Танланган асарлар, Тошкент, 1965, 123-бет.

Бунда таги чизилган сўзлар сўз ўйинлари мақомида турли маъноларда, ошиқ кайфияти ва табиатидаги хурсандчилуклар билан боғлиқ ҳолда акс эттирилгандир.

Куйицаги:

Навоий иштифотидин наволар бўстонида,

Наво қонунида Мирий чекар фарёд булбулдек –

байтида наво сўзи ҳам шеърият бўстони, яхшилик гулистони, булбул фарёдлари – наволари маъноларида ишлатилган деб ўйлаймиз. Чунки наво сўзининг маънолари кўп: Наво – куй, оҳанг, наво – наво баҳш –эзгулик етказиш, яхшилик в.х.

Мирийнинг:

Мұхаббат мулки Мирий, мен амири Киишвари Хўқанд,

Агар боши индиур, қылмон қабул Искандару Жоминг – байтида шоир ўз тахаллусидан мұхаббат мулкининг амири, худди Хўқанд хони – амирцекман, шунинг учун менга Искандару Жом иштифоти ҳам даркор эмас – маъносида фойдаланган. Мирий ҳам тахаллус, ҳам севги, кишвар амири маъноларида кўлтанилган.

Қандхўрлар шаҳриёри мулки амниятдурур,

Мулки Хўқанд исташа, мирий, бу ким Ҳўқанд қаш.

Қандхў – Хўқанд амири, тинчлик маскани. Сен Мирий ҳў канд қип (яхши сўзла, яхши, ёқимли қилик қип, шуҳратга берилмай, феъли атворнингни тузат) маъноларида ишлатилган.

Мана бу байт ҳам жинос санъатининг ўзига хос оригинал намунаси бўла олади:

Ғизои васлинга очкўз гар ўлдум, айлама айб,

Қўз оч, бу Мирийи маҳзундурур, басе қўзи оч...

биринчи мисрадаги очкўз – ташна – бўлдим, интилдим маъноларида, иккинчи мисрада эса «кўзингни оч, эътибор бер, мунгазир қилма» ҳамда висолга тўймаган очкўз кимса маъноларида кўлтанилгандир.

Маълумки, муқимиий, Фуркат ҳамда Ҳазинийтар туюқ намуналари яратмаганлар. Муқимиийга нисбат бериб келинган «кечаман» радифли тулоқ ҳам янгиш тарзда Муқимиий асарлари напрларига киритиб юборилганлар кайд этилади. Бирок унинг шеърлари таркибида, сийрак бўлса-да, тажнисли байтлар учраб колади. Муқимиининг «Бурун» радифли ҳажвий-юмористик ғазалица «бурун» сўзи киши аъзоси ҳамда аввал, илгари маъноларида келади:

Бир бурун кўрдим бурунлардин бурун,

Шипга етгай ўзи турмасдин бурун...

Хөвлига барғанда дүстим, күрмөқа,
Уига кирди ҳалқа қоқмасдин бурун...

Унинг куйидаши байтида ҳам «ёзитур» радифициаги сўз ёзиш, сахифаларда иниш этиши ҳамда хотира, мухрлаш маъноларида ишлатилаганлиги англанилади:

Сахифаеким анга шарҳи ҳажрингиз ёзилур,
Кўзим ёйила учар, ҳарна ёзингиз, ёзилур.¹

Зокиржон Фуркатнинг асарлари таркибида ҳам ахён-ахёни шундай байтлар кўзга ташланиб қолади:

Туруб ҳар эрта, жононим, йўлингда (йўлини пойлаш),

Оқарди чашми ҳайроним йўлингда (кўйингда)

Йиджум ҳалқи жаҳонга бордурур рӯзи саид (катта хайит)

Дилрабо, ҳар лаҳза бир кўрмак жамолинг менга цид

Иккинчи мисраца дийдор кўришмоқдик ошик учун баҳт, баҳрам, курсандчиллик маъносида.

Юзларингдин этиб гулишанда, эй руҳсор гул (гул юзли)

Кўринур ҳар ишл баҳор айёмида бир бор гул (гул – ўсимлик)²

Тажнисли байтлар Увайсий, Анбар Отин каби кўркам шоирларимиз ғазал ва қыгъасимон шеърларини ҳам зийнатлаб туради. Шоира Жаҳон Отин Увайсий иккита туоксимон тўртлигида «илгари», «туз», сўзларини тажнисли кофия сифатида ишлатилади. Шундай туоқ тўртликдан бирида «туз» сўзи – текислик, тўғрилик, тартиб-коида, низом маънолариша кўлланилганлигини кўрамиз:

Мажнуни девоналарга туз керак,

Лайлиси бўлса мусаффо туз керак,

Сўзлагил, эй ёр, васф айлай сўзинг.

Жўшиши назмимга бўлди туз керак.

Унинг фардбайт ва тажнисли китъалариша ҳам оригинал, бошка шоирлар кўлламаган кўп маъноли сўзлар ишлатилади.

Бул жаҳонда, ёр, санингдек бормукин,

Сўзламассан, кўрагингда борлуд кин

Бу байтда бормукин – борми ёки йўкми ҳамда кўкракда атам, ҳасад бор йўклиги маъноларида ишлатилган. Иккинчи мисрада савол санъати ҳам ишлатилгандек

Дилрабо, ўлтур, бошингдан айланай,

Пандим ол, ўлсам сунгогим айла най

¹ Муқимий. Асарлар, тошкент, 1974, 422 ва 340-бетлар

² Фуркат. Танланган асарлар. Тошкент, 1973, 35, 72, 104 бетлар.

Биринчи мисрада эркалаш, ноз маъноларида, иккиччисида сўнгакдан мусика асбоби най ясаш маъноларида ишлатилган

Сўзлама ҳар сўз, қулоқ сар ҳорлар.

Еттиң йўлингда неча сар ҳорлар

кулоқ чарчаши, унга оғир ботини, хоасанг тошлар маъноларида кўлланилмоқда.

Мана бу китъя тўртликда ҳам шоира «сақланур» сўзини такибли ва такибсиз тарзда «кўнгилла саклаш, унутмаслик, дила нур-зиё саклаш, маърифатли, ишқда диннатли бўлини ҳамда биронвга ҳимоячи бўлиш билан уни ҳавфу хатар ва маюматдан сақлаб қолиши» маъноларида маҳорат билан кўлланилганлигини кўрамиз:

Ишқни билсанг, кўнгулда сакланур,

Мард эсанг албатта дилда сакла, нур.

Мажнуни девонадин қилима дариг,

Бир сўзинг бирла нечалар сакланур.¹

Увайсийга каринъошлиги бўлган, ундан китеблари оркали алабий таълим олган Анбар Отиннинг фазал ва мухаммасларидан ташқари араб алфавитидаги ҳарфлар асосида хуруфи ҳижожа ўхшаш тарзда ёзган фард, китъя, шеърий лавҳалар тарзида шеърлари мавжуд. Улар ёқи, хикмат нурлари билан йўғрилган панҷномалардири. Хуруфи ҳижо шаклларицаги щеъриарда арабий ҳарфлар байт ва мисралар бошида келади. Анбар отин шеърларица ҳарфлар кофия сифатида келган сўзлар охириша келади. Шу жихати билан худди фазалларнинг кофия ва рацифларида келувчи охириги ҳарфлар асосиша тартиблаштирилишига ўхшаб кетади. Шоирларнинг ўзи бундай шеърларини «якка байтлар» деб номлаган

Камтарин заифаи мазлума,

Анбар Отиндин манзума.

Ушибу ёзилгон байтлар,

Башар зийнатин айтлар.

Бу китобни тажомми,

Якка байтлар ишмоми.

Шу тартибда шоира турли арабий ҳарфларга бир. иккӣ, уч ва ундан ортиқ қоғиёдош, маснавий байтлар келтирилади. Масалан, алиф ҳарфи билан туговчи сўзларга иккӣ багт, ре ҳарфи билан туталланувчи сўзга беш, сиң ҳарфига тўрт байт келтирилади.

¹ Увайсий. Девон. -Тошкент, 1963, 223, 224. б. тар.

Шундай байтлар ичилде кўп маъноли – жинос сўзлар ишлатиганлари ҳам анчагинаки, бу ҳол Увайсийга ўхшаб Анбар Отин ҳам ўзбек тили бойлиги ва нозикликларини хийла чукур эзатлаганингини кўрсатади:

Сўзламасдан олдин сўзингни сина,

Ҳар бир сўздур умрингличинда сина.

Синаш, ўйлаб сўнгра сўзлаш, ҳар сўзинг умринг сабокларидан бўлиб қолиши маъноларида.

Ўз гуноҳингни сўраб элдан ўтиш,

Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтиш.

Элдан кечирим сўраш, нафрат ўтида ўтин бўлиб ёниб кетмаслик маънолари англатилаётир. Мана бу байтлар ҳам ёшлиларимиз учун ниҳоятда фойдали ўтилди:

Яхши им қилмоқ учун йўқса укув,

Санга лозимдур ўкув бирлан укув.

Укув – улдабиронлик, малака ҳосил қилиш, укув – яхши малакага эга бўлиш учун ўкув – билим билан бирга ўкиш, ўзлаштириш, битимдон бўлиш.

Боқ ҳаётинг лавҳасига бўлма қув;

Гар нишон яхшилик топилса қув.

Бунда зидланувчи сўзлардан тажнис ясалган. Мана бу байтда эса шоиранинг ранг ва предметлар дунёсидан ҳам яхши хабардор эканлиги англашиб туради:

Ҳар газалда янги мазмун айла ҳил,

То қиёмат ранга ўчмас мисли ҳил.

Биринчи мисрада ҳар хил мазмунда газаллар битиш, иккинчисида учрамайдиган ранг маънолари англатилган.

Мана бу байтларда ҳам ғайри ахлоқий хусусиятларга эга бўлган ножинс, нокас одамларга нафрат изҳор қилингандир:

Азалдан адл ила зулм эрди ножинс (зидли)

Зулмни пеша қилди, кимки ножинс. (ёмон одам)

Башингки ўзига қўймиси бино кас (бино қўйиш)

Такаббурлик ўтида куйди но кас¹ (нокас кимса)

Тажнислар ишлатиш хозирги замон шеъриятига, XX аср шеъриятига ҳам зеб бериб келди. Классик адабиётимизнинг яхши ўзлаштирган, тилимизнинг латофатию нозикликларини, шеваларини яхши билгаң шоирларимиз бальзан арузда, бальзан бармокда яратган туюкларида (Хабибий, Чархий, Собир Абдулла,

¹ Анбар Отин. Шеърлар. Рисола. Ҷошкент, 1970, 72–79 бетлар.

Чустий, Восит Сабдулла в.б.), фардбайтларица (Юсуф Шомансур, Нормурод Нарзуллаев в.б.) М.Шайхзода, Эркин Вохидов, Усмон Носир кабилар турли жанрлардаги лирик асарларида тажнисли кофиялар тобиб ишлатгандар. Шу усул билан асардаги «мен ва бошқа» тімсөлларнинг хис-түйгуларини, маңавий фазилатларини, панду хикматларини жозибали қылтырғанда ифодалагандар. Биргина Зокиржон Хабибийнинг ўзи ўттиздан ортиқ, Восит Сабдулла йингирмадан ортиқ тажнисли гүоқлар ижод күлгандар. Восит Сабдулланың «Хаёт» ҳамда «Ҳамроҳ» номлари билан чоп этилган арузий девонларица тажнисли фардлар ҳам учрайдики, улар Бобур, Увайсий ҳамда Анбар Отиналарнинг шундай байтларини эслатади. Чустий ҳатто бир газалини «тажнисли газал» деб атаган. Собир Абдулланинг:

Бог ишида ёр олса олманы. (олма - мева)

Бош эгиб ношвоти ҳам дер: «ол маны». (олмоқ)

Эркин Вохидовнинг:

Ахли шеър балқи китобим назми ишқ деб очидир, (очмоқ)

Йўқ, китобим севгининг девонига дебоҷадир. (дебоҷа)

Усмон Носирнинг:

Бир ўмрга юмилган қўзлар, (кўз)

Ахир, тақдир сенга не қўзлар (чоғлайди)

тажнисли байтлардир.

Яна Эркин Вохидовнинг:

Тонг эмас бу тонгда бўлсан мен ҳаёл обида гарк,

Тонг қилибур чунки кўнглини бу ҳаёлдек обида.

Биринчи мисрада «тонг» сўзи уч хил, иккинчи мисрада эса «обида» сўзи икки хил маънода кўлланилган, Акмал Пўлатнинг ҳам хазломуз шундай диалог, савол-жавоб тарзидаги тажнисли байти эсга келади:

Савол берди: «Раис ака гўзангиз қалай?

«Калай эмас, олтин – деди, –чотук бир талай.

ТАЛМИҲ САНЬАТИ

Талмиҳ бошқа шу хил санъатлар каторида шеърда маъно, мазмун фикр терантитини башний нозиклик, ишора, киёс, ўхшатиш оркали баён этишда муҳим аҳамият касб этишини изоҳлаб XV аср ашабиётшуноси Атоулиюх Ҳусайннӣ: «Талмех – каломда машхур кисса ё шеър ёки машхур маколга ишорат

этмакдин иборатдир» деб ёзди. Олар шу⁵ санъатта деир фикрларини ривожлантира бориб, форсий шеърлар матнларини изохлаш, шархлаш баробарида талмих санъати хусусиятларига деир яна шундай фикрларни келтирди: «Билгилким, талмихнинг базиси лугзга (яъни чистон шеърга) ўхшар, ул жихатдинким, андин максуд зохирий маоний бўлмай, имо йўли била адо этилган маъно максуд бўлтур»... Бу ерда олим лугзда хам яширингандар нарсани очик, айтмай, унинг белтиларига, хусусиятларига ишора килишиликни назарда тутаётган бўлса керак. Шу нуктаси чистон – лугз санъати билан талмех санъати орасиша чиндан хам яқдінлик, ўхашлик мавжуддек туюлади. Олим кейинроқда яна: «Талмех, лугатда бир нимага назар солмоқдур ва бу санъатда шеър ва андин ўзга нималарга ишорат этилгани учун ани талмех деб атаптурлар»¹ деб ёзди.

Кейинги асрларда, шу жумладан, хозирги даврда яратилган асарларда талмих санъати хусусиша сўз боргандা кўп тадқикотчиҳар Атоуллоҳ Хусайний асарида келтирилган юкоридаги фикр ва шархларга таянадилар. Масалан, садриддин Айнийнинг «Алишер Навоий», Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг балий маҳорати», Ваҳоб Раҳмоновнинг «Шеър санъатлари», Анвар Ҳожиаҳмедовнинг «Шеърий санъатлар ва мумтоз кофия» рисолаларида шундай.

Ваҳоб Раҳмоновнинг «Шеър санъатлари» асарида талмех (талмих) санъати хусусида куйидагиларни ўқиймиз: «Талмих – арабча: яшин чакнаши. Кўз кирини ташлаш, ялт этиб караш деган маъноларни ифодалайдиган сўздир. Шоир, ўз фикрий йўналиши давомида тасвирланаётган объект, вокелик ёки образ холатини янада ёркинроқ ифодалашуға эришиш учун дунё классик арабиёти, жаҳон тарихи ва ҳалқ оғзаки ижодиша бўлган ҳодисалар ёки қаҳрамонларни йўл–йўлакай эслатиб ўтади. Талмих санъатини кўллашдан максад шу воқеа ёки типининг конкрет шаронтдаги аҳволини қадимги ёки якин ўтмишдаги маътум ва машҳур ҳодисалар фони ёнига кўчириб, ўз фикрини хам аникрок, хам тўларок, хам муболагалироқ тарзда гавзалантиришдан иборат. Шуни хам ўқдириш керакки,

¹ Атоуллоҳ Хусайний. «Бадойиб ус-санойъ». Форсачлан Алибек Рустамов таржимаси. – Тошкент. –Faafur. Fулом номидаги арабиёти ва санъат нашриёти. 1981. 133–135-бетлар.

эслатилаётган ҳодиса ёки шахс, албатта қаптаний бўлиши шарт эмас.

Талмиҳ очик, яширин, содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Бундай тасниф талмиҳнинг маъно ва тузилишига кўра амалга оширилади...

Талми санъатишан фойдаланган шоир тасвири давомида ўкувчига очик-оидин бўлмаган воқеа-ҳодиса ёки шахснинг конкрет лаҳзадаги руҳий холатини эсга олади. Яйт эсга туширилган субъект ёки ҳодиса символ ва рамз сифатида тасвириланаётган шахс ёки воқеага кўзгу бўлади. Масалан, ошик ўрганишлари Фарҳод ва Мажнуннинг юрак изтироблари билан, маъшука гўзалиги Ширин ва Лайтанинг маҳлиё этубчи киёфалари билан мухланади. Кўпинча хусн-ҷирой камолоти намунаси сифатида Юсуф эсга олинади...¹

Айтиш лозимки В.Раҳмонов бу санъатга хос хусусиятларни, бошқа шеършуносларга нисбатан анча кенгрок изоҳлаган ҳамда ўзбек, форс-тожик ҳамда бошқа ҳалқлар шоирлари ижодидан катор мисоллар келтирган. Унинг рисоласида ҳатто инглиз шоири Байрон, ҳозирги замон шоирларидан Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Ҳ.Ҳ. Ниёзийлардан байълар, мисралар берилган. У талмиҳга оид фикрларини хулосалар экан, шоирлар бу санъатта мурожаат этганинида биринчидан ижобий, мифологик, адабий ва тарихий шахсни эслатиб, тасвирилаётган лирик қаҳрамони киёфасини ёркинроқ очишига, иккинчидан салбий образларни, шахсларни эслатиб эса, ўзи тасвирилаётган салбий образлар ва ҳоҳатини очишига, ва ниҳоят учинчидан маълум ва машхур ижобий қаҳрамонлар фазилатларини тилга олиб, уларга киёсан ўзи тасвирилаётган лирик қаҳрамон кийфасини кўтаринки руҳда гавдалантиришга эришгандар, аникроғи эрицмокчи бўлгандар.

Талмиҳ санъати хусусида фикрлар баён этган шеъриунос олимлардан йна бири «Шеър илми таъими» кўлланмасининг муаллифи Тўхта Бобоевдир. Унинг кўлланмасинда ҳам жуда мухтасар бир тарзда (бир саҳифа хажмилда) бу санъатга деңг хусусиятлар қайд этилган:

«Талмиҳ (назар солмок, ишора китмок) – шеърда машхур кисса, машхур байт ёхуд машхур мақолга ишора килиш усули. Бу

¹ В.Раҳмонов. Шеър санъатлари (Ўзбек классикасинын кўлланма). – Ленинобод, 1972. 70–72 бетлар.

санъат мұмтоз ақабиеттіміздә ҳам, хөзирғи замон шеъриятыда ҳам
кеміг құлтанилған:

а) машхур кисса ёки достонга ишора килиш:

Күп үқудум Вомику Фарҳоду Мажнун құссасин,
Үз шашмодін бул ажаброқ достоне топмадим...

(Алишер Навоий)

б) машхур байтта ишора килиш:

Умрдан ылт үтса, яширмок, нечүн,
Юрак симоб яңеліг титрагай ҳар гал,
Устоз тутғ әтгандай, ҳар фурсат учун,
Кудратлы күп билан құяйлық ҳайкал.

(Абдулла Орипов)

Бу бандың академик-шоир Faфур Ғуломнинг «Вакът» шеъридаги:

Умрдан үтажак ҳар лаұза учун
Кудратлы құл билан құяйлық ҳайкал
деган шох байти күзда тутилмокда¹.

Бу ерда юкоришиғи шархларни асосан маңқұллаганымыз ҳолда Абдулла Ориповнинг Faфур Ғуломдан келтирилған байти «газмин» санъатыда ҳам ижодкор ўз поэтик мақсадини аникрок ифодалаш, ўз фикрларининг түркілигига үқувчини ишонтириш, ўз ھукмини құвватлаш мақсадыда шеърнинг бошида ёки охирида бешқа шоирнинг байтларини айнан ўз шеъри таркибиңа күчиради. Юкорида Абдулла Орипов F. Ғулом байтини тазбин (иктибос, күчирма) тарзда ҳам келтиргандыр.

Сүнгі йылтарда майдонға келған санъатлар ва кофия илмігі бағытланған рисолалардан яна бири профессор А.Хожиахмедовнинг асарылдыр. Бу рисоланинг бириңчи бобиша «маңнавий санъатлар»дан муболаға, ташбих, тамсил, ھусни таълип, тажохули ориф, ташхис, инток, талмых, лафф ва нашр, ружуъ, истиора, тансикас-сифат, ирсол ул-масал, тазмин, саволу жавоб, иктибос, илтифот, муаммо кабилар иккінчи бобида эса «лафзий санъатлар»дан тажнис, іішом, таносуб, иштиқож, тәзод, таъцил, раддул ажуз, тарду акс, жамъ, таксим, тафриқ, жамъ ва таксим, такрир, мұкаррар, китобат, тарих кабилар ҳақида маңлұмтолар берилгандыр. Олим шу санъатларнинг XV аср шеършуюноси Атоуллох Ҳусайній китобида келтирилған

¹ Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент.: «Ўқитувчи», 1996, 254–255 бетлар.

Хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ёритиб берган. Бирок ундағы мисоллар соғ үзбек шеъриятидан олингандығы билан талаба ва ўқувчиларға құтайлық туғдирилади. Энди шу маңбацаги фикрларни көлтирайтык:

«Талмих (изаз солмоқ) шेър ёки насрда машхур тарихий воқеалар, афсоналар, адабий асарлар ёки маколаларға ишора кілмоқ санъатиди. Шоирлар мұхаббат мавзусидаги асарларда күпинча Шарқда көнг тарқалған «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Вомиқ ва Узро», «Тохир ва Зухро» каби қыссалар, достонларнинг қаҳрамонлари номынша ишора кілдилар. Ўкувчи у ёки бу номга ишора күрар экан, унинг күз олдода ўша қисса, достон, афсона мазмуни, унинг қаҳрамонлари хаёти, севгиси, кураши, фожиади тақдирі жонланиб, шоир демокчи бўлган гояни, фикрни, туйғуни ёрқинроқ тасаввур килауди, чукурроқ англаб етади. Зоро бу жараёнда ўкувчи ўзи муроала килаётган асар қаҳрамони хаёти туйғулари маънавий киёфасини ўша машхур қисса, афсона қаҳрамони билан киёслайди... Шоирлар кўпинча куръон суроарида акс эттирилган афсоналар, хикоялар қаҳрамонлари: пайғамбарлар, фаришталар номларынга ишора кіладилар.

Атоийнинг:

Сенга берсун илоҳи Нұх умрин,
Манга ҳам фурқатингда сабри Айюб,
...Бу гамқим биздадур, бу ҳусн сизда,
Сени Юсуф десунлар, бизни Яъқуб.

Гадойнинг:

Ейтпин бўлғон ҳувайдо Хизри фаррухтаймуудур,
Ё магар Жабрийл қилди арии аъзамдин нутул.

Худди шундай ишорали талмих байтлар XIX аср шоирлари исходида ҳам учраб туради. Масатан, Муниснинг бир газалидаги

Еттің, эй соқай, Хизр осо лабимга жон келиб,
Бошим узра лутф ила тут оби ҳайвондек шароб...
Чунки лаълинг зоҳир эттің жон берурдин мўъжиза,
Ер юзидин айлади Исо фалақка ижтииноб.

яна:

¹ А.Хожиахмедов. Шеърий санъатлар ва мұмтоз қофия. – Тошкент.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяті, 1998, 41-42 бетлар.

*Етпүкүб оғзина жолим; бошим узра келмас,
 Үл Хизр, келса табобатта Масиҳо найтай.
 Мени тиргуз тақалтум бирла,
 Сени Исо мақол дебдурлар.¹*

Мана шу хин илохийлаштирилган талмихни биз Мұқимий ғазалларыңда хам учратадик. Уннинг «Девонаи Адҳам келур» номи билан левонда көлтирилған бир ғазалидаги уч байт бириң-кетин талмихты байт сиғатыла келади:

*Дарди ҳәжкронида ўлмакка етпүидим, қосидо,
 Арз қыл вакыте сұраб, гар ул Масиҳо дам келур.
 Үйласам лаълы лаби қайғиятін айлаб хаёл,
 Гүйші маҳмур әдим, илкимга жоми жам келур.
 Ногаҙоң Ҳұқанд келғонимни үхшаттим Мұқим,
 Баих шағындың ўшал Девонаи Адҳам келур.²*

Диний-тасаввуфий қиссалар, асарлар ва улардаги қаҳрамонлар номларынға мурожаат этиб, улар орқали шоир ўзининг ҳамда асарларидаги қаҳрамонларының тақдир-қисмати, дину діенат, ҳаюллик, поклик йүлишаги интилишларини иғодалағаш күпроқ, диний-илохий мазмунға эга ғазалларда, мухаммасларда, соқыйномаларда, таржибанд ва таркибандларда күпроқ учрайди. Бу ҳолатни ХІІ-ХІХ асрлар давомыда ижоди кечтән ҳар бир шоирда кузатын мүмкін. Айникса, ижодининг асосий йұнапиши диний-тасаввуфий рухда бўлған шоирлар ижодида бу ҳолат кучлироқлайдир. Масалан, Ҳазиний-Ҳұқандий шу давр адабиётіца Ахмаң Яссавий, Сұфи Одлоёр, Хувайдо қаби тасаввуфга мойын шоирлар анъаналарини давом эттирган шоирлардан саналади, Уннинг 1992 йылда Тошкентда чоп этилган «Тасадуқ, ё Расулуплоҳ» шेърлари түтпамидағы ғазал, мурабба ва мухаммасларының күалари тарикат ҳамда шариат амалларини тарғиб килишдан иборат. Шоир шундай шеърлари орқали діенатли, покиза, ҳалол інсонні тарбиялаш, кераксиз нарсаларга, моту дунёға берілтімаслик ғояларини илгари суради. Масалан, уннинг башқа катор ғазалларидаги қаби күйилдеги ғазалида хам бир канча ўрингларда Лайли, Мажнун, Юсуф, Адҳам, Хизр, Мусо

¹ Мунис. Сайланма. – Тошкент, 1984; 71, 97 бетлар.

² Мұқимий. Девон. – Тошкент, 1974, 191- бет.

Калим, Вайсул-Каран каби диний-ділактик китобларидағи қаҳрамонлар зикр этилади. Ҳазиний ўқувчига мурожаат этиб, шу қаҳрамонлардан ибраг олишга чакиради:

Истаса ҳар ким худони, күнгели вайрондир топар,
Түн саҳарларда ва ё ул чашии гирёндин топар.
Лайли Мажнундин хабар олмоқни қылса мудодао.
Ошиқи сарғаштапи ох ила афғондин топар.
Кетти Байтуллога Адзам тағтту бағытдин кечиб,
Жомайи пашминасин сағрода чўпондин топар.
Юсуфим деб йиглар эрди, байтул аузонда мудом.
Яъқуб ўглини сўраб гар мисри сұлтонидин топар...
Сұхбати Ҳизри набиини қылса ҳар ким орзу.
Мисли ул Мусо Калимдек оби ҳайвондин топар...
Мисли ул Вайсул-Каран чўлларда тутмишман ватан,
Истаса ҳар ким Ҳазинийни рэгистондин топар.¹

Диний китобларда айттышича Вайсул Қаран чўлларда биёбонларда маскан куриб, оллоҳ йўлиша риёзат чеккаň шахслардан бири бўлган, Шеърнинг охириги мактабъ байтида Ҳазиний ўз ақволини чўлларда макон тутган шу Вайсул-Каранга ўҳшиатаётир, Вайсул-Каран ҳам ўз замонасида кумли жойларни экингзорларга айлантириб, хайрли, савоб ишларни қылган экан. Ҳазиний ҳам Кўконга якин жойлардаги кумюқ, қамишзор ерларни ўзлаштириб, бое яратган, ховуз барпо қылган, ўша жойда масжид очган саҳоватли кишилардан бўлганигини биламиш. У дехқончилик, боғдорчилик ишлари билан астойдил шуғултанини билан бирга шонир сифатида бадний ижодини давом эттирган эди. Ҳазинийнинг «йиғлар», «мажоз», «ўҳшамас» радифли ғазаллари ҳамда:

Ҳалилдек оташи Намрудга кирсан, ўлса гулзорим,
Ҳимоят айлагай холиқ, ўзи бўлса харидори –
матлаъли ғазатида ҳам мусалсал (яни кетма-кет) тарзда талмих
санъатини юзага келтирувчи лавҳаларга дуч келамиш.

Худди шунга ўҳшаш кисса ёа шахсларга мурожаат этиб талмих байтлар яратиш X.X. Ниёзий ижодица ҳам куринади. Лекин унда Ҳазиний шеърларидаги шек ўта илохий мазмунда эмас.

Талмих санъати намуналари кўп холларда ғазал ва бошқа лирик жанрларнинг айрим байтларида келтиришиши бу санъатни

¹ Ҳазиний. Тасаддуқ, ё Расулуллоҳ. – Тошкент 1992, 6 бет.

кўплалига хос бўлган умумий хусусиятдир. Лекин шеърият тарихида бутун-бугун шеър кўпроқ ғазал шу санъат асосида яратилганинглари ҳам учраб қолади. Масалан, ўзининг илк шеърларини арузда, Нихоний тахаллуси билан ёза бошлаган X.X. Ниёзийнинг бир китъя-ғазалида шундай:

*Расволиқ этди Мажнун, Лайли этди охир,
Етмас эди бўлиб ул девона юрмагунча.
Кесмасди тог багрин Фарҳод зори Ширин,
Йўхлаб келиб гоҳида ҳолини сўрмагунча.
Йиглаб ётарди Вомиқ останага қўюб боиш,
Харгиз кўтмармас эди Узрони кўрмагунча.
Тоҳир юруроди бехуд, ҳечким сузин эшигтмай,
Овозд бўрмас эрди Зухро чақирмагунча,
Юсуфни ҳеч Зулайҳо қўлга ололмас эрди,
Ўлгунча орқасидан қувлаб юрмагунча.*

Шундай хусусиятли талмиҳ шеърларни биз юкориша XIX аср Каттакўргон шоирларидан Шавкий ва Мирийлар «доғ ўлди» ралифли мухаммаслар мисолида ҳам қайд килиб ўтдик.

Биз шиний китоблардан бадиий адабиётта кўчган қисса ва улардаги, номлардан фойдаланиб талмиҳ байтлар яратишни Зокиржон Фуркат ғазалларида ҳам қузатдик. Унинг «Кашмирда» деб номланган ғазали таркибида шундай байтлар борки, бу талмиҳ санъати учун келтирилган анча янги тасвиirlардир:

*Бир кўриб ҷоҳи Зақан Хорут ила Морут иков,
Ҷоҳи Бобил ичра қолмашилар бўлак тадбирда..
Қоши узра ҳолининг асроридин бир нуқтаудур,
Сураи Нун ўқудим пайваста ҳар тафсирда...*

ёки:

*Хизр асо ҳатларинг ҳар дам тутар оби ҳаёт,
Элга латълинг жон берур Исо пайгамбардакана.
Остонанг гўшаси Жамишд таҳтиддакина,
Мақдаминг туфрогидур тожи Сикандардакана¹.
Зокиржон Фуркатда бошка шоирларимизда деярли мурожаат килинмаган қисса ва қаҳрамонлар номлари ҳам учрайди. Афтидан бу Зокиржон Фуркатнинг кизикниш доираси ва адабий таълимининг кенглиги туфайлишир. Мисоллар:
Ёки Гуландом эрурсан, боз келдинг дар вужуд,*

¹ Фуркат. Танланган асарлар. – Тошкент, 1975, 21, 36. бетлар.

Айлади Баҳромдек бизларни шайдо суратинг.
Нақши поингни чеколмас эрди Чин суратгари,
Олгуси миғъот ила рус аҳли қайдо суратине...
Турфаким тасвири лаълинг мурдаларга жон берур,
Йўқ эрур, жоно ажаб бўлса Масиҳо суратинг.¹

Бизга маълумки, хассос шоир Фурқатнинг бу газали гўзал бир аёлнинг руслар тушириган фотосурати таассуроти натижасида ёзилган эди. Фотосуратларга тушириш руслар Туркистонга келганиларидан кейин ижтимоий-маданий ҳамда содир бўлган янтиклардан эди. Фурқат гимназия, нафма базми, бал томошаси, виставка намойиши каби фотосурат олишининг ҳам ҳайётга кириб келганилтигидан ҳайратта тушган. Фотодаги тиниклик, аёлнинг хусни малоҳати унинг юрагини қўзғаган ва натижада шарқ поэзиясига хос ташбеҳлар орқали, талмих санъатини ҳам ишга солиб гўзал суратини чизган.

Мана бу хассос байт ҳам янгича жаранглаб туради.
Биз эллар-факр элизиз, парча нон га сабр айлармиз,
Фараз дунё учун Йскандару Дорога бормасмиз.²

Оғахий шеъриятида, айникса талмихларнинг барча шаклий-маънавий хусусиятларга эга бўлган кўринишларига дуч келамиз. Улар ичида очик, яширин, аралан ҳамда мураккаб талмихлар бор. Дашибарга мурожаат килайтик.

Хираදур сансиз кўзум кўргуз юзунгниким эрур,
Кўрса Юсуфнинг жамолин дидай Яъқуб хўб
(86-бет)

Ки кўб раҳравни ноком ўткарибдур,
На топти Нуҳ мақсадидин на Ёғис
(107-бет)

Кўр шомити хиссатнио, хосияти ҳимматниким,
Қорунгадур таҳтуссаро, Мусога фавқи тавр ганас
(109-бет)

Ҳар одамики давлату ҳимматга топти даст,
Йўқтур анга ҳазинайи Қорунга эҳтиёж.
Кони гадогга ушоу жаҳон ичра йўқтурур,
Мулки Кубоду жоҳи Фариудунга эҳтиёж.
(111-бет)

¹ Фурқат. Танланган асарлар. – Тошкент, 1975, 48-бет.

² Шу асар, 74-бет.

Эй бами! Исодиң ортиң жонғизо ғұфтарынгиз,
Вай балойи жандур иккى наргиси хунхорингиз.

(173-бет)

Чүн құюб кеткүнгір өхір іоз туман армон била,
Бас Фариудун молшо мұлқи Искандардин наңаз.
(213-бет)

Эй күңгүл, осойиши базми висол истар эсанг,
Чек балойи ҳажр айлаб сабр аро Айноблиң
(236-бет)

Мұрдек ожиз зәдім, қоплон киби юўлдым қави,
Лутф ила Жамшид савлатлиг Сулаймон келдіму.
(323-бет)

Күр сәхову адл шишинким бөвужуди куфру ширк,
Кирмагай дүзах аро Нуширавон Хотам била.
(325-бет)

Оғахийнинг талмых санъатига алоқадор бундай байтларининг хар бирида ҳалоллик, поклик, ҳайр-саховат, мардлик, ишқда событқадамлылік, дүстлик, сабр-қаноат ва бошка инсоний фазилатларға хос ўғит-насиҳатлар илгари суриттан. Доро, Корун каби ёвуз, молпараст, ҳассис кимсаларға нисбатан эса нафрат ифодаланғандыр. Бу байтлар шоир шеърларини ўз ичига олган «Таъвиз ул-ошикин»да бамисоли гавҳардек сочилиб турибди.

Ўзбек шеъриятининг бу даврдаги шоирлар ижодида айниқса Шарқда кенг машхур бўлган мұхаббат қиссалари, уларнинг каҳрамонлари номларига ишора қилиш тез-тез учраб туради.

Увайсийнинг:

Жафо тегди бошимга Лайло, Ширину Узродин,
Буқун Вомиқ ила Мажбуну Фарҳодимни согиндим.

Бу Увайсийнинг Кошғардаги исённи бостириш учун Мұхаммад Алихон томонидан жантага юборилған ўғлининг соғинчыда ёзған марсиянома ғазалидандир. Шоира айрилік дардидә ёнгап калб нишоларини ифодалаш учун фарзандини машхур ошиқларга ўхшатмокда.

Хазиний Хўқандийнинг ҳам ҳофизу хонандаларимиз ҳамон марок билан куйлаб келаётган машхур бир газали бор. Бу ғазал Хазинийнинг диний-илохий мазмун ташувчи ғазалларидан хийла ҳаёттйлиги, серзаклигини билан ажралиб туради. Унинг таркибида шундай байтлар бор:

Хижғон ўтига багрим сўзона тонг откунча.
Ўртаб юрагим, жисмим бирёна тонг откунча.
Ман Вомиқ-у Узро-сен, васлинга етолмасдин,
Ҳар кеча қароргоҳим остана тонг откунча.
Найлайки, иложам ийқ ҳар кӯчада шигларман.
Тор ўлди Ҳазинийга Фаргона тонг откунча.

Кайш этиш лозимки, шоирлар севги киссалари ва улардаги асосий қаҳрамонлар номларига ишора килтганлариша Вомиқ ва Узро номларини ҳам тез-тез тилга оладилар. Бу номша катор ўзбек шоирлари ишкий саргузашт достонлар ҳам яратганликлари маълум. Масалан, Ферузшоҳ даврининг таникли шоир ва тазкиранависи Ахмад Табибий ўзбек тилида достон ёзган. Агар биз бу ишкий достоннинг тарихи билан, унинг манбаи билан қизиккудек бўлсак, илдизи X аср форс-тоҷик аҳабиётига бориб уланади.

IX асрда газнавийлар хукмронлиги даврида яшаб, ижод этган Малик уш шуаро Үнсурий ажойиб қасидалардан, шеърлардан ташқари «Вомиқ ва Узро» номида гўзал бир севги достонини ҳам ёзгандир. Достоннинг мизмуниасида юон афсоналарига бориб тақалишини олимларимиз кайш киталилар. Юнонистоннинг мансабдор, мулкдор шахсларидан санаалган Фулукротнинг Узро номли қизи бўлган. Фулукротнинг бошқа бир шаҳарда яшовчи қариндошининг эса Вомиқ исмли ўели бор эди. Узро ўттиз икки йил ҳарбий хунарни эгаллаб, ўз даврининг энг зўр чавондози ва баҳодири даражасига етади. Окибат Бомик билан Узро ораларида севги пайдо бўлиб, кўп машаккатлару айрилиқ азобларидан сўнг улар мурод-максадларига эршишадилар. Үнсурий достонидан сўнг бу мавзу форсийзабон ва туркйзабон ҳақклар ўртасида кенг таркалаши. Шоирларимиз ўз қаҳрамонларининг дарду аламларини, ишқ ийлидаги ъафодорлигу дисентатлиликни ифодалашда Фарҳод, Ширин, Лайчи, Маскун, Юсуф, Зулайҳо, Тоҳир, Зухро образлари каторида Вомиқ ва Узро тимсолларига ҳам мурожаат этганлар. Ҳазиний назалилаги байт ҳам шундай ният ифодаси эди.

Яшириң талмиҳ кўллаш усули ҳам XIX аср шоирлари шеъриятида тез-тез учраб туради. Мисоллар:
Мунис Хоразмий:

Токи күнегдүм бўлди сен Ширин лиқога ошно.

Кўхкандек бўлмишам кўхи балога мубтало.¹

Бу байтида Мунис тош йўнувчи Фарҳод номи ўрнига кўхкан – тоғ ўювчи сўзи орқали ишора килаёттир, яъни маълум ном ўрнига ўшани фикр билан топса бўладиган кўчма ифода берилаёттир. Муниснинг мана бу байтида ҳам ярим яширин талмих ишлатиётган:

Мажнуну Кўхкан ета олмас губорима,

Хар нечукким апар югурур дашту тогда

Худди шу Кўхкан сўзини кўллаб шоир Мужрим Обид ҳам китобхонга Фарҳоднингина эслатган талмихга мурожаат килиди:

Эшиятсалар мани бошимга тушиган мунча савдона,

Биёбонларда Мажнун, тоғ ичинда Кўхкан йиглар.²

Мунис кўйлаган талмидлар ичида бир йўла икки шахс хакидаги воқеалар, шу шахсларга хос хусусиятларни эслатиш хотлари ҳам учрайди.

Бало құхсарининг Фарҳоди мен–мен,

Жунун масвириининг Беҳзоди мен–мен

Мукимийнинг куйидаги байтида ҳам ўғли Юсуф фироқида алам чекаётган ҳазрати Яъкубнинг кечинмаларини кеттиришса Юсуфнинг номи айнан келтирилмайди, балки у «хуриши Канъон», яъни Яъкуб ватани санатмисш Канъоннинг кўёши, гузали тарзида келтирилди. Мукимий айрилик изтиробларида дард чекаётган ўз ошиғи – лирик қаҳрамони Яъкубга, уни ташна килаётган объектни эса Юсуфга ўҳшатмоқчи бўлган:

Фю шил Яъкубдек ҳасрат чекиб қон йигладим,

Зарра парво қилмас ул хуришиди Канъон индамас.³

Бу ўринда Мукимий жуда тароватли чиккан, негизи анъанавий бўлса ҳам мазмуни янгиланган бир байтини келтириш жоиздир.

Ўз даврида буюк шоир Навоий гўзалнинг сиймосини чизишга аҳд килган наққошнинг турфа бир аҳволига ҳазломуз мурожаат этиб, унинг хакида сўз ўйинларидан иборат қуйилаги байтини кашф этган эдики, бу байт талмид ва муболага

¹ Мунис Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент, 1957, 220-бет.

² Мужрим–Обид. Фазаллар, тошкент, 1960, 29-бет.

³ Мукимий. Девон, – Тошкент, 1974, 199-бет.

санъатининг энг кўркам намуналардан бўлиб қолган ҳамда Навоийдан сўнг ўтган катор шоирларни ишхомлантира олган:

*Келди чин наққоши ул юз тархини қылмоқча нақи,
Чехра очиб нақши девор айладигиз наққошини.*

XIX асрнинг бошларида Мунис Хоразмий куйидаги байтида тош йўнувчи Фарходни, нақди тушурувчи мусаввир Беҳзодни эслаганда куйидаги Навоёна байтни яратган эди:

Бало кўхсорининг Фарҳоди мен–мен,

Жунун тасвириниң Беҳзоди мен–мен.

Сўнгроқ Мирий ҳам талмиҳ санъатининг шу йўлдаги яна бир гўзал намунасини яратишга муваффақ бўлди:

Неча Беҳзод ул ойни сурати зебосини тортар,

Ўзини сурати девордек масту хароб этмиши.

Бу байтни Навоий байти билан киёсласак, улар орасиша мазмунан охангдошлиқ, муштараклик бор. Бирок Навоийда улуман наққош – сураткаш, Мирийда эса конкрет тасаввур ўйғотувчи тарихий шахс Камолиддин Беҳзод санъати гаваллантирилган.

Демак, талмиҳдек нозик санъат кўп шоирларимизга янги, янги маъноларни таъкин килишида, улар ҳакида ўкувчида кенгроқ, аникроқ тасаввур пайдо килишида, баднийлик соҳасида ўз билим ва маҳоратларини кўз–кўз қилишида катта имконият бўлиб хизмат қилиган.

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995
2. Абдуғафуров. А. Буюк бешилик сабоқлари. – Тошкент, Faғұр Гүлом номидаги Адабиёт ва санъат нацириёти, 1995
3. Абдурахмонов Анварбек. Диний–бадиий адабиёттинг поэтикаси хусусида. – Хўжанд, 1996; Адабиёт – коиноту инсон кўзгуси. – Хўжанд, 1998
4. Адабий жанрлар ва бадиий маҳорат масалалари. (Илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд, 1988
5. Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадоӣ усь саноӣ. – Тошкент Faғұр Гүлом номидаги Адабиёт ва санъат нацириёти, 1981
6. Ботирхон Акрам. Фасоҳат мулкининг соҳибқарони. – тошкент, Ўзбекистон, 1991
7. Бобоев Тўхта. Шеър шуми таълими. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1996
8. Валихўжаев Б. Оғаҳийнинг бадиий маҳоратига доир. Адабий мерос. 1990, 4-сон
9. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: «Ўзбекистон» нацириёти, 1993
10. Валихонов О. Ғазал нағосати. – тошкент, F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нацириёти, 1985
11. Хайитметов А. Ҳаётбахши анъаналар. F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нацириёти. – Тошкент, 1974, 15–53–бетлар
12. Хайитметов А. Адабий меросимиз уғқлари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1997
13. Ҳожиахмедов А. Аруз назарияси асослари. ТошДУ, 1982
14. Ҳожиахмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қоғия. «Шарқ» нацириёт–матбаа концерни. – Тошкент, 1998
15. Исҳоков Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: ФАН, 1983
16. Мажиций Р. Оғаҳий лирикаси. – Тошкент, 1963
17. Тўйчиев У. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2 жилд. Лирика. – Тошкент, ФАН, 1993

18. Ҳакқулов И. Камол эт қасбким (Навоий қитъалари ҳақида) Тошкент. «Ҷўлтон», 1991
19. Қаюмов А.П. Шеърият жилолари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1997
20. Орзабеков Р. Ўзбек классик лирик поэзиясида газал ва мусаммат. – Тошкент, ФАН, 1976
21. Орзабеков Р. Туюқ поэтикаси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1985
22. Орзабеков Р. Ўзбек шеъриятида сирли-синкремтик жанр ва шаклар. – Самарқанд, 1992 (маърузалар матнини)
- Ўзбек шеърияти жанрлари. I-II – китоблар. Ўқув кўлланмаси, Самарқанд, 1998, 1999
23. Ўзбек (совет) поэзиясида жанрлар типологияси ва устублар ранг-бағанглиги. «ФАН», 1983. (Мақололар тўплами. М.Иброҳимов ва Н.Каримов; мақолалари) 103–193-бетлар
24. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Хўжанд, 1972
25. Рафиддинқўв С. Мажоз ва ҳақиқат. (Атошйининг поэтик маҳорати). – Тошкент, 1995
26. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент, ФАН, 1991
27. Райхонов Ф. Шеър қанонидаги юлдузлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашириёти, 1986
28. Жумәев Нурсатулла. Мунис газалиёти. – Тошкент, 1991 (Бадиий маҳорат масалалари); Турди Назми бадиияти. – Тошкент, 1994; Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдир. – Тошкент, Ўзбекистон, 1995
29. Маснавий (манзум) шеърлар поэтикасига оид. – Тошкент, Адабий мерос, 1989, 1-сон
30. Зулғисонайнинг. Ўзбек тили ва адабиёти, 1967, 1-сон. Форс-тожик адабиётида Навоийга издошлик тарихидан. – Тошкент: ФАН (Навоий ва адабий таъсир масалалари) китобида., 1968. Ҳаммуалиф Н.Комилов
31. Ўзбек шеъриятида шифу шакар ва муламмас санъати аниъаналари. Самарқанд, Адабий ҳаёт, 1983
32. Шайхзода М. Газал мулкининг сultononi. Асарлар, 4-том. – Тошкент. 1983

P.Орзебеков

Шеърий санъатлар таҳлили

Ўқув қўлланма

Муҳаррир: А.Носиров

9/XII – 1999 йилда босишига рухсат этилди

№ 51 буюртма, 5,25 бос табоқ
ҳажми 60x84x1616. 100 нусха

СамДУ Нашр-матбаа маркази
босмахонасида чоп этилди:

703004, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.

195c